БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 13 (3812). 16 СЕШАНБА ЯНВАРЬ 1979 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 600-Тошкент — Ленин сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари 15 январь куни Тошкент тўқимачиларининг маданият саройига сайлов олди кенгашига келдилар. Бино пештоқини, унинг залларини безаб турган транспарантлар, плакатлар КПССнинг оқилона ташқи ва ички сиёсатини, халқлар дўстлигини, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокини шарафлайди.

Тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикаси партия комитетининг секретари А. А. Беляева минбарга чиқади.

— Биз эришган нарсаларимизнинг ҳаммаси учун Коммунистик партиядан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг доно раҳбарлигидан миннатдормиз, — деди у, — Корхонамиз коллективи партиямиз билан давлатимизнинг атоқли раҳбари, улуғ Ленин ишининг давомчиси Леонид Ильич Брежневни мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига бир овоздан номзод қилиб кўрсатди. Комбинатнинг минглаб тўқимачилари номидан бизнинг қароримизни қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Комбинатнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, деб давом қилади нотиқ, корхонанинг илғор тўқувчиси, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар Баратовна Қулматовани ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатдилар.

Метрополитен машинисти Д. Ўринов. «Ташпромстрой» тресги ғишт терувчилар бригадири И. Жўраев, педагогика институтининг студенти Ф. Сайдалиева. 7-автомобиль паркининг слесари Ҳ. Раҳимов. «Қизил тонг» бирлашмасининг тикувчи-мотористи З. Орипова. темир йўл транспорти инженерлари институтининг проректори В. А. Белогужев. «Таштекстильмаш» заводининг слесари М. Қулибоев, «Ўзбекистон» кўнчилик бирлашмаси партия комитетининг секретари С. М. Ракитина кўрсатилган номзодларни астойдил қўллаб-қувватлаб гапирдилар.

Улар Леонид Ильич Брежневнинг совет кишилари фаровонлигини ҳар томонлама юксалтиришга, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтиришга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тинимсиз фаолияти тўғрисида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчилари **Леонид Ильич Брежнев** билан **Дилбар Баратовна Қулматовани** 600-Тошкент — Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни якдиллик билан маъқулладилар ва уларга шу округдан овозга қўйилишларига розилик беришларини илтимос қилиб мурожаат этдилар.

∴ ∴ ∴

«Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи сайлов олди йиғилишининг қатнашчилари Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Учқун Умаровни** 116-Тошкент — Чилонзор сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Узлуксиз ва тежамли ишлашни таъминлаймиз

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КПСС XXV СЪЕЗДИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ГРЭСи КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1979 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент ГРЭСининг коллективи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб ҳамда меҳнатнинг илғор методлари ва ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологиясини жорий этиб 1978 йил ва беш йилликнинг уч йили топшириқларини муваффақиятли адо этди. Беш йиллик бошидан буён 27.5 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди. Ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан фойдаланиш, ўз эҳтиёжларига электр энергия сарфлашни камайтириш ҳисобига 15 минг тонна шартли ёқилғи ва 9,8 миллион киловатт-соат электр энергия тежаб қолинди. Асбоб-ускуналар реконструкция қилинганлиги натижасида станциянинг белгиланган қуввати 25 минг киловатт оширилди.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорлари станциянинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг ижодий ғайрати ҳамда новаторлик ташаббусини янада кучайтириб юборди. Станция ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, ўз куч-ғайратларини иш самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга сафарбар этмоқдалар ва 1979 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

«Энергетика асбоб-ускуналарининг узлуксиз, пухта ва тежамли ишлаши таъминланади, электр станциянинг нагрузкага тайёрлик коэффициенти пландаги 0,875 ўрнига 0,88 гача оширилади.

Технология жараёнини янада такомиллаштириш борасидаги тадбирларни амалга ошира бориб, белгиланган киловатт-соат электр энергияга ёқилғи сарфлаш салмоғи план-топшириғидагига нисбатан 0.3 грамм камайтирилади. 2.5 минг тонна шартли ёқилғини ва 3 миллион киловатт-соат электр энергияни тежашга эришилади.

Станцияда энергетика ишлаб чиқариши сифатини бошқариш комплекс системаси элементлари ишлаб чиқилади ва жорий этилади, Тошкент ГРЭСининг автомат бошқариш системаси биринчи навбати ишга туширилади.

Электр энергия ҳосил қилиш йиллик плани муддатидан илгари 1979 йил 29 декабрда бажарилади ва планга қўшимча равишда 40 миллион киловатт-соат, шу жумладан СССР янги Конституцияси қабул қилинган куннинг икки йиллигигача 30 миллион киловатт-соат электр энергия берилади. Рационализаторлик таклифларини жорий этиш туфайли 52 минг сўм маблағни тежашга эришилади.

Турбиналарни ва станциянинг бутун схемасини реконструкция қилиб. Тошкент ГРЭСини теплофикация режимига ўтказиш ишлари жадаллаштирилади. Бу эса йилига неча юз минг тонна шартли ёқилғини тежаш имконини беради. Электр станцияни ишлатувчи ходимларнинг профессионал маҳоратини такомиллаштириш, асбоб-ускуналарга хизмат қилиш зонасини кенгайтириш мақсадида 25 кишига иккинчи касб ўргатилади ва 510 ходимнинг малакаси оширилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқариш оқиндиларини комплекс тозалаш объектлари фойдаланишга топширилади, шунингдек нордон сувларни ажратувчи узелнинг иши такомиллаштирилади. Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни камайтириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилади.

Станция коллективини социал ривожлантириш планини амалга ошира бориб 58 ўринли профилакторий 1979 йил 1 майгача фойдаланишга топширилади. Тошкент область Орджоникидзе районидаги «Маданият» ва «Коммунист» колхозларига оталиқ ёрдами кучайтирилади.

ГРЭС коллективи 1979 йилги ва ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили планини барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан бажаради, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ваъда берамиз.

Ўзбекистондаги барча электр станцияларнинг коллективларини СССР Олий Советига бўлажак сайловни меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлаш, электр энергия ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ҳамма асбоб-ускуналар ишининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун астойдил курашишга даъват этамиз.

УШБУ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ТОШКЕНТ ГРЭСИ ИШЧИЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

• Тошкент — мамлакатга

ТАШАККУР

«Средазкабель» бирлашмасига Ленинграддаги 55-«Электромонтаж» трестининг ишлаб чиқариш-технология комплектлаш бошқармасидан хат келди. Унда Ленинградда қурилаётган «Олимпиада-80» объектлари учун кабель симлари ўз вақтида етказиб берилганлиги учун ташаккур билдирилган. Ташаккурномада муҳим спорт иншоотлари муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги билдирилади. Тошкентлик кабелчиларга меҳнатда янги муваффақиятлар тиланади. Бу корхона адресига келаётган кўпдан-кўп яхши истакларнинг биридир.

Бирлашмада тайёрланаётган кабель симлари Тюмень нефтчиларига, Байкал-Амур магистрали қурувчиларига ҳам етказиб беріляпти. Шунингдек, корхона маҳсулотлари чет эл мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Тошкентлик кабелчиларнинг маҳсулотига бўлган қизиқишнинг бош сабаби кабель симларининг «аъло» сифат билан тайёрланаётганлигидадир. Корхона буюртмачиларга етказиб бераётган маҳсулотларнинг 50 процентдан ортиғига фахрли беш қиррали тамға қўйиляпти.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● **АМЕРИКАДА ЧИҚАДИГАН «ТАЙМ» ЖУРНАЛИНИНГ РЕДАКЦИЯСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, БИР ҚАНЧА САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИНИ ИЛТИМОС ҚИЛГАНЛИГИ ИЛГАРИ ХАБАР БЕРИЛГАН ЭДИ. БУГУН ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЖУРНАЛ РЕДАКЦИЯСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

● Ўртоқ Л. И. Брежневнинг маданият ходимлари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчиларига табриги босилган.

● 15 январь куни Москвада маданият ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев доклад қилди.



«Ўзбекистон» нашриёти СССР Олий Советига бўладиган сайловларга бағишлаб ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида плакатларни нашр қилишга киришди. Бу плакатларнинг умумий тиражи 135 минг нусхани ташкил этади.

СУРАТДА: нашриёт тасвирий санъат бўлимининг кичик редактори Нафиса Ҳакимова янги плакат намуналарини кўздан кечиряпти.

РАНГ-БАРАНГ МАВЗУДА

34-шаҳар ҳунар-техника билим юртининг кўпчилик ўқувчилари СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловларда биринчи марта қатнашадилар. Шу боисдан ҳам билим юрти агитаторлари ёш сайловчилар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришяпти. Ранг-баранг мавзуда лекция ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари уюштириляпти. Айниқса, СССР Конституцияси ва совет сайлов системасига бағишланган суҳбат ғоят қизиқарли ўтди.

Билим юртининг жамиятшунослик фани ўқитувчиси Н. Пустовит, ишлаб чиқариш таълими мастерлари М. Нажмиддинов, Т. Пернова каби агитаторлари фаоллик билан иш олиб боришяпти. Улар ёшларни партия ва халқ ишига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беришяпти.

«Компрессор» заводи коллективи илғор слесарь Анатолий Наумилинскийнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Моторчилар бригадаси бошлиғи бўлган бу моҳир слесарь меҳнатда бошқаларга ўрнак кўрсатмоқда.

• Тошкент—«Олимпиада-80» учун

Буюмларда дўстлик рамзи

Келгуси йилнинг 18 июлида Москвада жаҳон спортчиларининг энг йирик байрами бошланади. Ана шу анжуманга мамлакатимизда катта тайёргарлик кўриляпти. Мамлакатимиздаги жуда кўп корхоналар «Олимпиада-80» ташкилий комитетининг буюртмаларини бажаришяпти. Жумладан, республикамиз енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кўпгина спорт жиҳозлари ва совға буюмлари ташкилий комитетнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Шу ҳақда гапириб беришни Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг ўринбосари Камол Мақсудович МАҚСУДОВдан илтимос қилдик.

— Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказиладиган олимпиада бошланишига оз вақт қолди,— дейди К. М. Мақсудов.— Анжуманга жаҳоннинг барча қитъаларидан спортчилар келишади. Шунингдек пойтахтимизга минглаб спорт ихлосмандлари, меҳмонлар ташриф буюришади. Шунинг учун ҳам спорт анжумани халқлар ўртасида дўстлик ва тинчликни тараннум этувчи байрамга айланади. Чунки олимпиада рамзи тинчлик ва дўстликни ифода этади. Шу боисдан ҳам «Олимпиада—80» ташкилий комитетининг тавсиялари асосида буюмлар ишлаб чиқариш республикамиз енгил саноатчилари учун ғоят фахрлидир.

Ҳозирги пайтда олимпиада рамзи туширилган ва 1980 йил олимпиадаси тематикаси бўйича буюмларнинг янги нусхаларини яратиш ва ишлаб чиқариш юзасидан республика енгил саноат министрлигига қарашли жуда кўп моделлар уйлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг коллективлари шуғулланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида яратилган 55 номдаги буюм «Олимпиада—80 ташкилий комитетининг дипломлари билан тақдирланди. Енгил саноат корхоналарида ана шундай маҳсулотлардан 5 миллион сўмликдан ортиғи ишлаб чиқарилди. Бунда республикамиз пойтахтидаги спорт буюмлари фабрикаси, кўнгалантерея фабрикаси, ўйинчоқлар фабрикаси, чинни заводи, «Учқун» ва «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмалари, тўқимачилик комбинатининг ҳиссаси катта бўлди.

Чинни заводининг «Оқ олтин». «Пахта», «Кийик» чой наборлари. «Дилноз». «Спартак». «Оқ олтин» деб аталувчи вазалари ва гуллор тарелкалари ўзининг оргиналлиги билан киши диққатини тортади. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган эркаклар жемперлари ва кўйлаклари, болалар шими ва сарафани ҳамда ўйинчоқлар фабрикасида ишлаб чиқарилаётган «Зумрад». «Тўлғаной». «Темурий» ўйинчоқлари «аъло» сифати билан ажралиб туради.

Шу кунларда енгил саноат корхоналари олимпиада тематикаси бўйича янги буюмлар туркумини яратиш устида изланишлар олиб боришяпти. Янги буюмлар ва кийим-кечаклар келгуси йиллар модасидан орқада қолиб кетмаслиги лозим. Чунки олимпиада рамзи туширилган буюмлар савдога чиқарилишидан ташқари спортчиларга совға қилиб топширилади, Мамлакатимиз меҳмонлари уларни ёдгорлик сифатида харид қилиб олишади.

Олимпиадага бағишланган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш, ҳажмини ошириш юзасидан министрликнинг махсус буйруғи чиқарилди. Унда энг яхши буюмларнинг нусҳаларини яратишга рассомлар, модельерлар, конструкторларни сафарбар қилиш кўзда тутилган.

Яқинда Тошкентга «Олимпиада—80 ташкилий комитетининг махсус кўчма комиссияси келади. Комиссия турли корхоналарда тайёрланган янги буюмларнинг нусҳаларини кўриб чиқади ва энг яхшиларини ишлаб чиқаришга тавсия этади. Бу ўзига хос кўрикка жиддий ҳозирлик кўряпмиз.

Министрлик бўйича бу йил катта спорт анжуманига бағишланган 7 миллион 490 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Жумладан Тошкент тўқимачилик комбинати 400 минг сўмлик, спорт буюмлари фабрикаси 600 минг сўмлик, кўн-галантерия фабрикаси 600 минг сўмлик, чинни заводи 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Шунингдек, «Учқун» ва «Малика» бирлашмалари ҳам олимпиадага бағишланган янги нусҳадаги буюмларни кўплаб ишлаб чиқаради.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Ҳамза районидаги «Иззат» массиви гўзаллашиб бормоқда. Ўтган йили 280 ўринли болалар боғчаси ишга тушган эди. Кўп ўтмай бу ерда яна бир болалар боғчаси фойдаланишга топширилади. Ҳозир Хосият кўчасида қад ростлаган икки қаватли бинода энг сўнгги пардозлаш ишлари бажариляпти. Пардозлаш трестига қарашли 34-қурилиш бошқармасининг И. Григорян бошчилигидаги бригадасининг Г. Зарипова, К. Ёқубов, Х. Убайдуллаев, А. Назарян, Г. Акмалов каби ишчилари жилокорлик ишларини тез ва сифатли қилиб бажаришяпти. 3-сантехмонтаж бошқармаси азаматлари эса санитария техника жиҳозларини ўрнатиш ишларини ниҳоясига етказишяпти.

Янги боғча февраль ойида 280 кичкинтойни ўз бағрига олади.

С. СУЛТОНОВ.

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

15 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР ички ишлар органлари ва бўлинмалари раҳбар ходимларининг республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда ўтган йилги ишларнинг якунлари ва КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди талаблари, СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси қоидалари асосида шу органларнинг фаолиятини янада яхшилаш вазифалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР ички ишлар министри, ички хизмат генерал-лейтенанти Ҳ. Ҳ. Яҳёев доклад қилди.

(ЎзТАГ).

Шаҳримизнинг кенжа Шифонорлар массивида бунёдкорлик ишлари жадал суръатлар билан давом этмоқда.

СУРАТДА: массивдаги янги турар жой комплекси.

М. Нуриддинов фотолари.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Шаҳримиздаги «Дизельная» бекатида пассажирлар учун бир қулайлик яратилди. Бу ерда трамвайлар ҳаракатини координация қилувчи янги диспетчерлик пунктини жиҳозлаш ишлари тугалланди. Пунктда ўрнатилган электр токи воситасида ёритилувчи кўрсаткичлар маршрутларнинг номерлари ва уларнинг йўналишларини аниқ кўрсатиб туради.

Бекатнинг ўзида ўрнатилган ёритилувчи табло эса трамвайларнинг ҳаракати ҳақида пассажирларга маълумотлар беради.

Студентлар активлигида

Куни-кеча Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллари институти студентларининг навбатдаги илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция институт юбилейи 30 йиллигига бағишланди.

Инглиз тили факультети декани, доцент К. Раҳмонбердиев конференцияни очди. Аълочи студент О. Алимова «Ўзбекистонлик жангчилар Москва учун бўлган жангларда» мавзуида доклад қилди. Р. Искандарова «Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» асари тўғрисида», Г. Рўзиева «Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон ССРнинг индустрияси» каби темаларда докладлар қилишди.

Факультет студентларининг илмий чиқишлари институт Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди.

Шунингдек, институтнинг француз ва немис тили ҳамда кечки-сиртқи факультетларида ҳам студентлар ўзларининг партия тарихи философия, сиёсий иқтисод, педагогика, тилшунослик ва тилларни ўқитиш методикасига доир-ҳаммаси бўлиб 300 га яқин чиқишлари билан ўзларидаги илмга, таълим-тарбияга бўлган қизиқишларини намойиш қилдилар.

М. БУРОНОВА,
институт студенти.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ САРИ

Ўқувчиларнинг қишки каникули пайтида республикамизда фан, техника ва ишлаб чиқариш ҳафталиги ўтказилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика маориф министрлиги, республика илмий-техника жамиятлари Совети, «Ёш техник» марказий станцияси ва Тошкент «Техника уйи» ўтказган ана шу тадбир ғоят мазмунли бўлди.

Шаҳримиздаги «Ёш техник» марказий станциясида ёш ихтирочилар ва рационализаторлар яратган моделлар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада энг яхши баҳо олган мактаб ўқувчилари Москвада ўтказиладиган Бутуниттифоқ фан ва техника ҳафталигининг тантанали очилиш маросимида қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Республикамиз мактабларининг ўқувчилари ҳафталик пайтида таниқли олимлар, инженерлар, новатор ишчилар билан учрашдилар. Жумладан, «Ёш техник» станциясида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи мутахассислари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ҳафталик илмий-техника жамиятлари республика Советининг «Техника уйи»да тантанали равишда якунланди. Йиғилишда республика илмий-техника жамиятининг актив аъзолари, олимлар ва мутахассислар сўзга чиқишди. Улар ёшларга янги-янги кашфиётлар яратиш учун тинмай ижодий изланиш кераклигини уқтирдилар.

Самарали янгилик

Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот гидрометеорология институти гляциология бўлимининг махсус отряди Ғарбий Тяньшан тоғларига жўнаб кетишга тайёргарлик кўряпти. Отряд тоғлардаги қор қалинлигининг ўлчамларини аниқлайди.

Институт ходимлари кузатиш ишларини махсус жиҳозланган вертолётда олиб боришади. Бунинг учун вертолётга тоғлардаги сув запасларини гамма-импульслар ёрдамида аниқлаш имконини берувчи аппаратлар ўрнатилади.

Ҳозирги пайтда гамма-аппаратларни такомиллаштириш ишлари амалга ошириляпти. Чунки ана шу аппаратлар илгари текисликлар шароитида муваффақиятли ишлатилар эди. Эндиликда гамма-аппаратларнинг тоғ шароитида қўлланиши қор қалинлигини ўлчовчиларнинг ишини анча енгиллаштириш имконини беряпти.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТЛАР — ЕТАКЧИ

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг коллективи янги йилга яхши кайфият билан қадам қўйди. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорлари пойафзалчиларнинг меҳнат-ғайратини янада ошириб юборди. Шу кунларда корхона партия комитети ва цех партия ташкилотлари ишчилар, инженер-техник ходимларнинг куч-ғайратини иш самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқаришнинг ички резервларини қидириб топиш ва фойдаланишга қаратмоқдалар. Коммунистларнинг актив фаолияти натижасида план ва социалистик мажбуриятлар йил сайин муваффақиятли адо этиляпти. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 13 та пойафзал модели ишлаб чиқаришга жорий этилди. Меҳнат унумдорлиги анча ошди. 1,5 миллион квадрат дециметрдан зиёдроқ асосий материаллар тежаб қолинди. Хотин-қизларнинг янги моделдаги пойафзаллари, эркакларнинг қалин пошнали ботинкалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

З. Абдуллаева, З. Ўлмасова, О. Нурмуҳамедов сингари моҳир рационализатор ва ихтирочи коммунистларнинг куч-ғайратлари билан кўп минг сўмлаб иқтисодий самара берадиган ўнлаб новаторлик таклифлари жорий этилди. Ўз сафларида 160 коммунистни бирлаштирган партия ташкилотининг бу эришилган ютуқларда ҳиссаси катта. Коммунистлар давлат плани ва юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун мусобақада олдинда боришяпти. Улар орасида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, бичувчи Б. Кряжева, тайёрловчи З. Абдуллаева, ишчи, ВЛКСМ XVIII съезди делегати Н. Кучарова ва кўплаб бошқа коммунистлар бор.

С. Иброҳимова, Б. Кряжева, Л. Панина, Л. Ломухина сингари ишчилар ўтган йилнинг ўрталаридаёқ беш йиллик шахсий топшириқларини бажариб, ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Юзга яқин илғорлар 1980 йил ҳисобига ишлашмоқда. Коллективнинг 1653 аъзоси ростовликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси асосида меҳнат қилмоқда.

Бу фактларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, корхона партия комитети ва цех партия ташкилотлари коммунистларнинг етакчилик ролини оширишга эришмоқдалар, улар ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда йўлчи юлдуз бўлмоқдалар, ҳар бир цех, бўлим, участка, смена ва бригадада сафарбар этувчи куч ҳисобланадилар.

Лекин пойафзалчилар коллективи ўз муваффақиятларида н хотиржамликка тушмайди. Коммунистлар ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада оширишни таъминлаш учун ташкилотчилик ва сиёсий ишларни бундан буён ҳам такомиллаштиришга интилмоқдалар.

Партия комитети ва цех партия ташкилотлари фабрика маъмурияти билан биргаликда маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида кўпгина ишлар қилди. Сифат кунлари ўтказиляпти. Бу масалалар бир неча марта партия комитетининг кенгайтирилган йиғилишларида ва цех партия ташкилотларининг бюроларида муҳокама этилди. Аммо фабрика бугунги кундаги харидорлар талаби даражасидаги сифатга эришганича йўқ. Савдо ташкилотлари томонидан ҳам эътирозлар бўлиб турибди. Бу ерда фақат маҳсулот сифатини бошқариш бўлимининггина эмас, балки меҳнат ва технологик интизомни бузаётган айрим цех, сменаларнинг раҳбарлари ва мастерларнинг ҳам айби бор.

Корхонада жуда кўплаб ёшлар меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам коммунистлар барча ишларни яхшилашда уларга умид боғлайдилар. С. Исматуллаев, З. Абдуллаева, С. Содиқов ўнлаб бошқа тажрибали коммунист ишчилар ёшларга мураббийлик қилмоқдалар. Уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Фабрика партия ташкилотида 13 ёш коммунист бор. Г. Илҳомова, Л. Содиқов. Н. Кучарова ва бошқалар меҳнат ва ижтимоий бурчларини сидқидилдан адо этишяпти. Ёш коммунистлардан Н. Хачатуров ва С. Музропов цех бошлиқлари қилиб тайинланишди.

Партком партия ташкилотининг жанговарлиги ва ташаббускорлигини ошириш, меҳнат коллективи фаолиятининг барча томонларига партиявий таъсирни кучайтириш учун кўп иш қилмоқда. Бундай муваффақиятга эришишнинг самарали омилларидан бири партия йиғилишлари ва партия комитетининг мажлисларидир. Уларда ишлаб чиқариш, ташкилий-партиявий ва идеология ишининг актуал масалалари кўриб чиқилмоқда. Масалан, фабрика коммунистлари ишлаб чиқаришда мастерларнинг ролини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда коммунистларнинг роли, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китобларининг асосий қоидалари ва талаблари асосида кадрларнинг масъулиятини ошириш, партиявий-хўжалик ишларининг услуб ва методларини такомиллаштириш сингари кўплаб масалалар муҳокама этилди.

Бу масалалар юзасидан коллективни янги марраларга чорловчи тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бироқ, коммунистлар барча режалар ҳам ҳаётга тўла жорий этилмаётганини ўз-ўзини танқид руҳида таъкидламоқдалар. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини текшириш ҳамон унчалик пухта эмас. Масалан, 2-цех партия ташкилоти социалистик мулкни асраш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масаласи бўйича бир неча марта қарор қабул қилган эди. Лекин бу қарорларни бажариш учун амалий тадбирлар кўрилмади. Цехда бу борада иш талаб даражасида эмас. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмаяпти. Шуни айтиш керакки, партком у ёки бу тадбир топширилган кишига нисбатан ҳамма вақт ҳам тўла талабчанлик қилмаяпти. Масалан, Ф. Ғуломовга фабрика халқ контроли группасига бошчилик қилиш топширилган эди. Афсуски, у группа иши кўнгилдагидек эмас. Рейдлар онда-сонда ўтказиляпти.

Аммо, коммунистларнинг кўпчилиги фидокорона, ҳалол меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар, коллектив ижтимоий ҳаётида актив қатнашмоқдалар.

Бунда улар ўнинчи беш йилликка мўлжалланган комплекс планга амал қилмоқдалар. Бу планда КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш масалалари асосий ўринни эгаллайди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида кўпгина вазифалар турибди. Фабриканинг пешқадамлари энг аввало, коммунистлар СССР Олий Советига сайловлар кунини квартал топшириғини муддатидан илгари бажариш билан кутиб олишга аҳд қилдилар. Кўплаб пойафзалчилар зарбдор вахтада туриб, беш йиллик шахсий топшириқларини В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача адо этишмоқчи. Қисқаси, йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишнинг зарбдор маромига коллективнинг янги муваффақиятлари уларнинг беш йилликнинг умумхалқ хазинасига қўшадиган ҳиссаларини кўпайтириш иштиёқи билан тўлиб-тошганликларини кўрсатиб турибди.

С. НИШОНБОЕВ.

● БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Сафарбарлик руҳида

КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми бошланғич партия ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳар бир партия комитети қайси тажрибани қурол қилиб олиш, ишнинг қайси формалари эскирганини ва наф бермаётганини таҳлил этишни, сафарбарлик, ишчанлик вазиятини янада кучайтиришни алоҳида таъкидлаган эди. Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг партия комитети ҳисобот — сайлов йиғилишида қўйилган конкрет вазифаларни тепловоз ва транспорт цехлари партия ташкилотлари қандай адо этаётганини муҳокама қилди.

Корхона парткоми тузган комиссиянинг ана шу ҳақдаги ахбороти тингланди. Ҳар икки цех партия ташкилотларининг секретарлари Н. Воздаев ва В. Товкач ўртоқлар эришилган ютуқ ва йўл қўйилган нуқсонлар ҳамда бу камчиликларга барҳам бериш тадбирлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди.

Партком белгилаган тадбирлар XXV съезд қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун сафарбарликни янада кучайтириш руҳи билан суғорилди.

Меҳнат интизоми — бош масала

Корхона партия комитети беш йилликнинг тўртинчи йили бошида сифат ва самарадорликни оширишнинг асосий омилларидан бири — меҳнат интизоми масаласини муҳокама этди. Бу трактор заводининг етакчи цехларидан бири — 23-цехга бағишланди.

Цех бошлиғи Геннадий Матицин ана шу ҳақда ҳисобот берди. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бўйича комиссия раиси И. Бурзин цех маъмурияти ва партия ташкилотининг бу борада олиб бораётган самарали ишини қайд этиш билан бирга кундалик назоратни янада кучайтириш, қабул қилинган қарорлар ижроси учун қатъий ва изчил курашиш лозимлигини уқдирди. Цех партия ташкилотига меҳнат интизомини, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашнинг синалган воситаси — социалистик мусобақа формаларини ривожлантириш тавсия этилди.

Тажриба пиллакашлик фабрикасида кўплаб ёшлар меҳнат қилишади. Корхонанинг тажрибали ишчиларидан ортда қолмасликка интилаётган йигит ва қизлар смена топшириқларини ортиғи билан адо этишмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг пешқадам бригада бошлиғи ВЛКСМ аъзоси Муаззам Мухторхўжаева. У бошлиқ бригада смена ва ойлик топшириқларини 115 процентга етказиб адо этмоқда.

Н. Шоиноғомов фотоси.

● Беш йиллик вахтасида

Юксак маррани кўзлаб

Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг тўртинчи йили ҳам бошланди. Хўш, меҳнат коллективлари, шу жумладан бизнинг корхонамиз коллективи партиямиз XXV съезди қарорларини қандай амалга оширяпти? Ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бизнинг кўнгалантерея фабрикамизнинг меҳнат аҳли ўз олдига қўйган вазифаларини бекамукўст амалга оширмоқда.

Ўтган йили фидокорона меҳнат намунасини кўрсатган коллективимиз беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат билан якунлаб, тўртинчи йилни шаҳдам одим билан бошлади.

Ўтган йилнинг ўн бир ойи мобайнида 1978 йил топшириқларини муддатидан илгари бажаришга эришдик.

25 ноябрда коллективимиз муҳим турдаги буюмлар ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик планни шараф билан бажарди. Агар йиллик планда 3 миллион 172 минг сўм маҳсулот реализация қилиш белгиланган бўлса, биз буни 3 миллион 300 минг сўмлик қилиб адо этдик. Демак, пландан ташқари 128 минг сўмлик қўшимча маҳсулот савдо ташкилотларига етказиб берилди.

Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Бу муваффақият коллективимизнинг ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги, партия қарорларига жавобан ҳозиржавоблиги натижасидир. Йил бошида маълум цехларда реконструкция ишларини амалга оширдик. Кўплаб янги машина ва механизмлар ўрнатилди. Шунингдек, ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган комплекс тадбирлар плани тўла амалга оширилди. Бундан ташқари коллективимиз ўртасида янгийўлликлар н и н г «Сафимизда бирорта қолоқ бўлмасин», «Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача!», «Зарбдор йилга, — зарбдор якун» шиорлари о с т и д а ютуқлар сарчашмаси бўлган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш катта аҳамиятга эга бўлди.

Цехлар ўртасидаги меҳнат беллашувида фабрикамизнинг эгар-жабдуқ цехи доимо пешқадамлик қилиб, ўз қўлида корхона кўчма Қизил байроғини сақлаб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Ўз сафида бирорта қолоқ ишчи бўлмаган бу коллектив 1978 йил планини 10 августдаёқ адо этган эди. Айниқса коллективнинг пахта йиғим-терими мавсумида қилган меҳнати таҳсинга сазовордир. Пахтакорларимиз бунёд этаётган «оқ олтин» хирмонлари устини ёпиш учун мўлжалланган бунт-брезентдан мингдан зиёдини тайёрлаб бериб, мижозлар буюртмасини барвақт уддалаб берди.

Эндиликда коллектив ўзининг бутун куч ва ғайратини беш йиллик топшириқни муддатидан илгари — 1979 йилнинг февраль ойида бажаришга қаратмоқда. Шунингдек, пойафзал ва тери цехларининг ҳам қўлга киритаётган ютуқлари салмоқлидир. Коммунист А. Назруллаев етакчилигидаги пойафзал цехи пландаги 45 минг жуфт ўрнига 55 минг жуфт миллий пойафзал тайёрлаб бериб, коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшди. Тери тайёрловчилар эса юз мингтадан ортиқ тери тайёрлаб беришиб, социалистик мажбуриятларини ҳам оширғи билан адо этишга муваффақ бўлдилар.

КПСС XXV съездининг меҳнат коллективлари олдига қўйган асосий вазифаларидан бири маҳсулот сифатини яхшилашдир. Бу борада ҳам коллективимиз н и н г эришган ютуғи ҳар йилгидан ҳам салмоқли. Унга яқин янги станокларни ўрнатиш туфайли тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилашга, буюмлар ассортиментини кенгайти р и ш г а эришдик.

Бошқа бир соҳадаги, яъни ишлаб чиқаришда энг муҳим бўлган тежамкорлик соҳасида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Тежамкорлик — кўзланган марраға эришишда ғоят муҳим роль ўйнаши бизга маълум. Негаки, тежалган ҳар бир килограмм хом ашё, ҳар бир киловатт-соат электр энергияси қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланади.

Эришилган муваффақиятлар бутун фабрика меҳнат аҳлининг фидокорона меҳнати натижасидир. Аммо коллективимиз ўртасида шундай жонкуяр ишчилар борки, улар ҳар бир соҳада бошқаларга ўрнак бўлиб, уларни янги зафарлар сари чорлашмоқда. Пойафзалчи Суннат Муҳсимов, тикувчи Н. Пўлатова, пойафзалчи, коммунист З. Ҳикматуллаев, комсомол аъзолари К. Нурхўжаев, А. Абдураҳимов, тикувчилар Ш. Тошмуҳамедова ва М. Икромовалар шулар жумласидандир. Улар ҳозир вақтдан ўзган ҳолда меҳнат қилишяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилини юксак суръат билан бошлаган коллективимиз москваликларнинг ташаббусини биринчилар қатори қўллаб-қувватлаб, беш йиллик топшириқни доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 109 йиллиги кунига қадар бажаришга бел боғлади.

Коллективимизн и н г шу кунлардаги асосий вазифаси олинган юксак мажбуриятни вақтида уддалаш, миллий пойафзал ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек янги фабрика корпусини бунёд этишни жадаллаштиришдан иборат. Корхонамиз ишчи ва хизматчилари албатта ҳал қилувчи йилда бу ишларни муваффақиятли амалга оширадилар. Бундан бугунги кундаги меҳнат шижоати далолат бериб турибди.

Р. ДАДАБОЕВ,
Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли кўнгалантерея фабрикаси план бўлимининг бошлиғи.

Ҳамма операция — машина ёрдамида

«Союзсортсемовощ» бирлашмасидан Тошкент областидаги Орджоникидзе номли совхозга Ўзбекистонга аталган «Винтура» навли янги помидор уруғининг дастлабки туркуми юборилди. Америка полизларидан «кўчиб келган» бу сабзавот серҳосиллиги, таркибида витаминларнинг кўплиги билан фарқ қилади. Аммо бу навнинг энг қимматли хусусияти шундаки, унинг помидорлари бир маҳалда пишади. Бу эса сабзавоткорлик д а г и энг сермеҳнат ишлардан бири — ҳосилни йиғиштириб олишни механизацнялаш имкониятини беради.

Тошкент боғдорчилик-виночилик совхозлари трестининг эндиликда ўзига хос экспериментал базаси бўлиб қолган бу хўжалик ҳосилни машинада йиғиштириб олишга яроқли бўлган бошқа серҳосил навларнинг уруғини ҳам ола бошлади. Бу уруғлар кўкламда республикада биринчи саноат негизидаги полизларга ажратилган юз гектар майдонга экилади, бу ерда ҳамма операцияларни қўл меҳнатисиз бажариш мўлжалланмоқда. Ана шу далаларда ишлаш учун зарур машиналар комплекси — уруғ экадиган, ерни ишлайдиган механизмлар, помидор йиғиштириб оладиган комбайн тахт қилиб қўйилди. Областдаги бошқа ўнлаб сабзавоткорлик хўжаликлари бу ерда шу мавсумда қўлланиладиган янги технология билан беш йилликнинг охирига келиб таъминланадилар.

Совхозда бу йил пиёз, карамни ҳам механизация воситасида йиғиштириб олиш кўзда тутилган. Бу ерга ана шу экинларни йиғиштириб оладиган махсус комбайнлар келтирилди.

(ЎзТАГ).

Ёш хунармандининг камолоти

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасида пойтахт ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчилари, ишлаб чиқариш мастерларининг педагогик ўқишлари бўлиб ўтди.

Бу ўқишларда Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Тўраев, республика методика кабинетининг директори В. С. Будин, Қоринièзий номли педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири В. Е. Алексеев ва бошқалар ҳозирги пайтда ёш ҳунармандни камолотга етказиш йўлида бажарилиши лозим бўлган тадбирлар, ўқувчиларнинг назарий ва амалий машғулотларда активлигини ошириш йўллари ҳақида гапирдилар.

● *Техника тараққиёти йўлида*

Завод... завод чиқаради

«Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасида пахтага дастлабки ишлов берадиган автоматлаштирилган поток линиялар кўплаб ишлаб чиқарила бошлади. Бундай линия типовой пахта заводидаги сингари бир соатда олти тонна пахтани ишловдан ўтказа олади. Лекин у заводга нисбатан беш баравар кам жойни олади. Линияда уч баравар кам одам ишлайди.

Пахта тозалаш машина-ускуналар и н и ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи давлат махсус конструкторлик бюросининг инженерлари таклиф этган энг мақбул жойлаштириш шундай юксак самарадорликка эришишга ёрдам берди. Технологияга биноан пахта беш хил операциядан ўтиши керак: у қуритилади, хас-чўпдан тозаланади, чигити ажратилади, толаси тозаланади ва тойланади. Бу ишларнинг ҳар бирини турли цехлардаги алоҳида-алоҳида машиналар бажаради. Транспорт воситаларининг кўплиги бу схеманинг асосий камчилигидир: пахта пневмотранспортер, шнек, конвейерлар орқали «сайр қилади». Шу механизмлардан биронтаси бузилса борми — бутун завод тўхтайди. Бунинг устига у ёқдан — бу ёққа тез-тез ташиш толанинг сифатини пасайтириб юборади.

Янги линияда «батареявий» жойлаштириш йўқ. Бу ерда ҳар хил вазифани бажарувчи беш хил машина битта агрегат қилиб ишланган. Махсус бункер-регулятор орқали бир ёқдан пахта солиб турилади ва иккинчи ёқдан тойланган пахта чиқаверади.

— Автоматлаш т и рилган поток линиялар — принципиал жиҳатдан янги машина-ускунадир. У пахтага ишлов бериш самарадорлигини ва сифатини оширишга имкон беради.— дейди «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Г. Никифоренко. — Коллективимиз ана шу техникани ишлаб чиқаришга тайёрлаётиб, бирлашмада уни чиқаришга алоқадор ҳамма заводларнинг конвейерларини қайтадан қурмоқда. Шу йил Ўзбекистон ва Туркманистоннинг пахта саноатчиларига 15 та шундай с е р у н у м комплект тайёрлаб жўнатишни мўлжаллаб турибмиз.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ПРАГА. Бу ердаги машҳур «ЧКД — Локомотивка — Соколово» корхонасидаги ҳар бир ишчилар сменаси заводга кираверишда «Совет Иттифоқига маҳсулот етказиб бериш беш йиллик плани» деб ёзилган стендга кўзи тушади. Стендда келтирилган маълумотлар 1976—1980 йилларда бу ерда совет буюртмачилари учун 1370 та «ЧМЕ-3» локомотиви тайёрлаб берилиши кераклигини кўрсатади.

«Совет буюртмаларини муддатидан илгари ва юксак сифатли қилиб бажарамиз!» деган шиор машинасозлар шиори бўлиб қолган.

Тольятти автомобилсозларининг ташаббусига бизнинг амалий жавобимиз мана шундан иборат, деди завод партия комитетининг секретари Ф. Кисел. Қардош мамлакатлар буюртмаларини ўз вақтида ва юксак сифатли бажариб социалистик ҳамдўстликни янада мустаҳка м л а ш г а, унинг экономикасини бир маромда бажаришга ҳисса қўшамиз.

Социалистик меҳнат мактаблари

БЕРЛИН. Совет меҳнаткашларидан намуна олиб роса 20 йил илгари ГДРда тузилган социалистик меҳнат бригадалари ўз шонли юбилейини нишонлади.

1959 йил январь ойида «Битетрфельд» химия комбинатида (Галле округи) Николай Мамай номидаги бригада ГДРда биринчи бўлиб социалистик мусобақанинг шу формасини қабул қилиб ва республика меҳнаткашларига мурожаат қилиб, социалистик тарзда ишлашга, ўқиш ва яшашга даъват этган эди. Бу чақириқ кўпгина корхоналарда қўллаб-қувватланди. Ҳозирги вақтда социалистик меҳнат бригадалари байроғи остида ГДРда қарийб 3 миллион меҳнаткаш, 138 минг коллектив яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Буларнинг кўпи мамлакат иқтисодий ҳаётининг ҳамма бўғинларида новаторлик ва рационализаторл и к ҳаракатида актив қатнашмоқда. Ўтган йили улар республика ишчилари хазинасига қарийб 3 миллиард марка пул тўпладилар.

Бутун мамлакат — қурилиш майдони

ГАВАНА. Куба бинокорлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Революция ғалаба қозонганидан кейинги дастлабки йиллардаёқ саноат корхоналарини, қишлоқ хўжалик объектларини, медицина таълими марказларини қуриш бошланди. Ҳамма жойда ўнлаб завод ва фабрикалар, юзлаб чорвачилик фермалари қад кўтарди. Минглаб мактаб, техникум ва бошқа ўқув юртлари Куба ёшлари учун ўз эшикларини кенг очиб қўйди.

Кубаликлар кўпинча ўз ватанини гигант қурилиш майдони деб атайди. Саноат корхоналарини барпо этаётган 30 дан ортиқ йирик бирлашмалар ишлаб турибди.

Кейинги вақтларда турли корхоналар ва муассасаларнинг ишчилари ҳамда хизматчиларидан иборат кўнгиллиларнинг кичик қурилиш бригадаларини ташкил этиш кенг тус олди. Улар тажрибали мутахассислар раҳбарлигида ўзлари учун ва ўз оилалари учун уй-жой биноларини қурмоқдалар.

САНЪАТ БИЛАН МЕҲНАТНИНГ ИТТИФОҚИ

СОФИЯ. Болгариянинг машҳур ёзувчилари ва шоирлари анъанавий «Кремиково нурлари-78» адабий байрамига меҳмон бўлиб келдилар. Бадиий ўқишлар ташкил этилди. Софиядаги Кремиково металлургия комбинати ишчилари яратган янги асарлар тўплами муҳокама қилинди.

Саноат корхоналарида, йирик қурилишларда, ҳарбий хизматчилар, студентлар, мактаб ўқувчилари орасида санъатнинг барча турлари намояндаларини тез-тез учратиш мумкин. Партиянинг «Кўпроқ халқ орасида бўлингиз, ҳаётга яқин бўлингиз!» деган шиори республика ижодий зиёлилари фаолиятининг асосий йўналишига айланди. БХРдаги барча ижодий союзлар меҳнаткашларни эстетик тарбиялаш программаларини тузиб чиқдилар. Бу программаларда меҳнаткашларни маданият ва санъат дунёсига янада кўпроқ яқинлаштириш вазифаси асосий мақсад қилиб олинди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

СОФИЯ. Болгария Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида илмий-техникавий ҳамкорликни доим кенгайтириб боряпти. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг фан ва техника соҳасида шу беш йилликка (1976-1980 йилларга) мўлжалланган ҳамкорлик планида 900 мавзунинг 550 таси Болгариядаги илмий институтларнинг иштироки билан ишлаб чиқилмоқда.

Болгария олимлари икки томонлама, шунингдек кўп томонлама ҳамкорликда актив иштирок қилмоқдалар. Улар атроф-муҳит, янги қишлоқ хўжалик экинларининг селекцияси проблемалари устида, янги самарали катализаторларни тайёрлаш соҳасида иш олиб бормоқдалар.

⁂

ЛИССАБОН. Португалияда кучга кирган қонун ҳукумат зиммасига умумий бошланғич таълимни таъминлаш ва саводсизликни тугатиш мажбуриятини юклайди. Маҳаллий матбуотнинг фикрича, мамлакатда яшовчи катта ёшдаги аҳолининг қарийб тўртдан бир қисми ўқиш-ёзишни билмайди. Португалиянинг шимолидаги қолоқ районларда саводсизлар жуда кўп. Қонун биринчи тадбир сифатида катта ёшдаги аҳолига таълим бериш ва саводсизликни тугатиш масалалари билан шуғулланувчи миллий кенгашни тузишни кўзда тутади.

⁂

БРЮССЕЛЬ. Иш билан таъминлаш масалалари миллий бошқармасининг хабар қилишича, Бельгияда 1979 йил 1 январигача 300.932 ишсиз рўйхатга олинган. Бу — бир йил аввалгидан 4,5 минг киши кўпдир. «Ортиқча кишилар»нинг 60 процентдан кўпроғи хотин-қизлардан иборат.

Касаба союзларининг маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда мамлакатда ярим миллиондан ортиқ ишсиз бор.

АҚШ. Жоржия штатининг Плейнс шаҳрида фермерларнинг оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Президент Ж. Картернинг туғилган шаҳрига трактор ва юк машиналарида келган юзлаб деҳқонлар инфляция шароитида турмуш кечириш имконини берувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нарх-наво қўйиш сиёсати ўтказилишини ҳукуматдан талаб қилдилар. Намойишчиларни полициячиларнинг кучли нарядлари қарши олди.

СУРАТДА: полициячиларнинг намойиш қатнашчилари билан тўқнашуви.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ'ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«НЕГА ЭЪТИБОР БЕРИШМАЙДИ?»

Шу сарлавҳали бир материалда Уйғур кўчасидаги айрим проезд ва тупикларда ахлат уюмлари ётгани ва бу ҳолга Октябрь район санитария ва эпидемиология станцияси ходимлари эътибор беришмаётгани танқид қилинган эди.

Санитария ва эпидемиология станциясидан олинган жавобда бу масалада чора кўрилгани ва юқоридаги кўчаларда санитария ҳолати яхшилангани хабар қилинади.

«БУЗЧИ БЕЛБОҚҚА ЕЛЧИМАС»

Газетада 1 декабрда босилган бир материалда Хастимом атрофидаги кўчаларга ахлат машинаси камдан-кам келиши муносабати билан чиқитлар тўпланиб қолаётгани танқид қилинган эди.

Собир Раҳимов район ижроия комитетидан олинган жавобда кўрсатилишича, Хастимомга ахлат машиналари қатнови нормаллаштирилган, шунингдек озодалик ўрнатиш юзасидан бошқа зарур тадбирлар ҳам белгиланган.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ҲАЙФСАН ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Газетанинг ўтган йили 3 ноябрь сонида С. Раҳимов районидаги Ҳамза кўчасида баъзан электр энергия бўлмаётгани танқид қилинган эди.

С. Раҳимов район ижроия комитетидан олинган жавобда бу масала кўриб чиқилгани, шаҳар электр тармоқлари идораси энергияни нормаллаштириш учун зарур ишларни бажаргани маълум қилинди.

Шеърият оқшоми

ШУҲРАТ

Кечиккан севги

Ешликда севгидан бўлмадим огоҳ,
Китоблар ўқидим, ўзин кўрмадим,
Энди-чи, сочимга тушганида оқ,
Севгининг юкидан эгилди қаддим.
Ешликка ярашар, дер эдим севги,
Ешликнинг ҳаққи деб
қилмасдим парво.
Ногиҳон қалбимда,
оҳ, берди белги,
Шу экан, азизлар, дарди-бедаво!
Ошкора қилмоққа номус букади,
Ошкора этмасам ёнади ичим.
Наҳотки, куйдириб, кулдек тўкади,
Наҳотки, етмаса бардошу кучим!
Олисдан товуши келса кифоя,
Вужудим қоплайди ҳаяжон,
титроқ.
Деразам ортидан тушса бир соя,

Ушами, дейману қотаман, эвоҳ!..
Бир оғиз сўзига зору муштоқман,
Тинглашга мадорим етмайди лекин.
Баъзида боқаман унга узоқдан,
Баъзида режалар тузаман секин.
Барибир бу дардим
тортмайди енгил,
Барибир қалбимда сўнмас бу
олов,
Кундан-кун гуриллаб
ёнади лов-лов,
Не кунга қолдинг,
эй, нотовон кўнгил!
Қаршимда чуғурлаб, ёғоч от
миниб,
Тўрт ёнга беларво чопади ўғлим,
Ортидан қарасам кўзларим тиниб,
Ўзга бир ҳис билан
тўлғанар бағрим!

Майли, хайр...

Майли, хайр, эй соҳиби қалб,
Қолар бўлди юрагим бўзлаб.
Ким севимли бўлибди зўрлаб,
Мен бормайман кетингдан излаб.
Севгинг топсанг мени унутиб,

Мангу бахтли бўлиб қоларсан.
Бахтсиз бўлсанг мени ёд этиб,
Балки кунда эсга оларсан!
Майли, эркам, соғ бўл, омон бўл,
Чин дилимдан тилайман оқ йўл!

Дарё ўзани

Қачонлардир худди шу ердан
Тўлқин уриб оққандир дарё.
Энди эса, воқиф бу сирдан
Фақат тариҳ ва кўҳна дунё,
Энди унинг изи бор фақат,
Қирғоқлари битибди нураб.
Баҳор келса, ниш уриб кўкат,
Ез чиқдими кетар қовжираб!
Қани ўша тўлқин урган сув,
Қани ундан баҳраманд боғ-роғ?

Юрагимга тушади ғулув,
Ачишади ўкинчдан димоғ!
Кимнинг иши — душман қаҳрими,
Е ютганми ногиҳон офат?
Е хасислик қилиб табиат
Кўп кўрдими элдан меҳрини?
Нима бўлса, бўлгандир, лекин
Юрагимда афсус, надомат.
Ўзан бўйлаб юраман секин,
Келажакка тилаб бахт-омад.

Кўмир кораси

Кўмирнинг қораси юқса қўлингга
Нимага лабларинг буришиб кетди?
У эса, зориқиб ернинг қаърида
Сен билан мулоқат онини кутди.
Сен уни қора деб камситма сира,
Қоралик тақдири бўлса не ажаб!
Оқ бўлиб қора иш қилгандан кўра,

Яхшидир ўз рангин
юрса ардоқлаб!
Гар кўмир қорадир, нияти ёруғ,
Шу ёруғ нияти қанчалар улуғ!
Шу ёруғ оловда нур бор, ҳарорат,
Ҳарорат ҳаётнинг бошидир албат!

Шудринг

Шудринг ёнар қуёш чиққунча,
Томчи-томчи марварид дона.
Сен турибсан ҳайрон боққанча,
Дейсан: — Қуёш чиқяпти, она!

Ҳализамон эриб кетади,
Ҳализамон қолмайди бири.
Гўё қуёш уни ютади,
Бунча қисқа бўлмаса умри!
— Сен ачиниб қараб тургандан,
Тўйиб-тўйиб кўриб қолсанг-чи!
Тўйиб-тўйиб завқ-шавқ олсанг-чи!
Мамнун бўлиб шуни кўргандан!

„Ҳар одамнинг"

Ҳар одамнинг онгида
бир қуёш бордир,
Ҳар одам қалбида бир ёруғ юлдуз.
Шу қуёш ишқидан тақдири кундуз,
Шу юлдуз тимсоли юксакка зордир,
Қуёшинг булутга кирмасин сира,

Ҳеч пастга тушмасин
баланд юлдузинг,
Бахтингни поклигу
ростликдан сўра,
Ҳоҳ бахтли, ҳоҳ бахтсиз
сабаби ўзинг!

Нозли жонон

(ҚЎШИҚ)

Ғулзоридан отди нигоҳ,
Кўзи ўлдирди-ўлдирди.
Бир сўз қилди кулиб ногоҳ,
Сўзи ўлдирди-ўлдирди.
Акс-садоси ёноғимда,
Ширин сўзи қулоғимда,
Атр бўйи димоғимда,
Ўзи ўлдирди-ўлдирди.

Нола қилдим — ҳеч билмади,
Ҳолим сўраб бир келмади,
Гул узатсам қайрилмади,
Нози ўлдирди-ўлдирди.
Бунча нозли жонон экан,
Ҳар бир сўзи дармон экан,
Бир кўрмоқлик армон экан,
Изи ўлдирди-ўлдирди.

Соғиниш

(ҚЎШИҚ)

Сени кутдим бўлиб интизор,
Йўлинг узра кўзим нигорон,
Сени кутдим, сенга гапим бор,
Сени кутдим, соҳиби даврон!
Боғларимда гул очди баҳор,
Гулларимдан ўзинг териб кет.
Бирга кезиб ҳар лайли наҳор,
Муҳаббатинг майли изҳор эт.
Уфқларга интизор боқсам,
Унда ёнган қуёшим сенсан.

Дарёларда нур бўлиб оқсам,
Чироқ ёққан йўлдошим сенсан.
Қайтиб келсам узоқ сафардан,
Кутиб олган ёлғизим сенсан.
Бошларимга гул қадаб зардан,
Бирга қолган ёлғизим сенсан.
Ҳар боқишинг катта бахт менга,
Табассумнинг чеки йўқ лаззат.
Бошим қўйсам агар кўксингга,
Шудир менга бепоён иззат.
Юрак бағрим эзмасин алам,
Кел, азизим, кўзим йўлингда.
Ўтга отсанг, гулга кўмсанг ҳам
Билки бахтим, эрким қўлингда!

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЕЗИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«МАНГУ ЯШАРМИЗ ЯНГИ ЗАМОН ИЧРА»

Атоқли ўзбек шоири драматург революционернинг мақбарасидаги мармар плитага Ҳамзанинг ўйиб ёзилган тўртлигида «Мангу яшармиз янги замон ичра» деган сатр бор. Атрофи азамат дарахтлар билан ўраб олинган мақбара Фарғона областидаги Ҳамзаобод (собиқ Шоҳимардон) қишлоғининг энг баланд жойида турибди. Бу ерга минг-минглаб кишилар — маҳаллий аҳоли, шу билан бирга Ватанимизнинг турли ерларидан туристлар ҳам келишади. Ўз ҳаётини Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун фидо этган кишининг хотирасини ҳурмат-эҳтиром билан эслагани бу ерга келишади.

... Оқ мармар тошдан ясалган мақбаранинг ўнг томонида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 1952 йилда очилган музейи бор. Залларда шоирнинг шахсий буюмлари, шеър тўпламлари, фотосуратлар, сураткашлик полотнолари, театр афишалари ва бошқа экспонатлар бор, булар Ҳамза ҳаёти ва фаолиятининг манзарасини яратади. Музейда халқ озодлиги учун оташин курашчининг ижоди ва ҳаётий йўли тўғрисида лекциялар, суҳбатлар, унинг асарларига бағишланган китобхонлар конференциялари ўтказилади.

Экспозиция доимо бойиб бормоқда, — деб ҳикоя қилади Абубакир Раҳмонов. — Ҳамза номли колхоз меҳнатчилари, шоир номи билан аталган шу ердаги мактаб ўқувчилари коллекцияни тўлдирадиган янги-янги материаллар қидириб топиб, музейни кенгайтиришга кўмаклашмоқдалар.

Музей директори А. Раҳмонов зиёратчиларни музей залларидан бошлаб бориб, уларга Ҳамза тўғрисида ўзига хос ҳужжатли қисса ҳақида сўзлар экан, у 1929 йилда Шоҳимардонда бўлган фожиали воқеалар ҳақида ҳам гапириб беради.

... Баландликдан қишлоқ кўзга яққол ташланади. Бундан қарийб 50 йил муқаддам тор кўчаларнинг бир бурчагида фожиа рўй берди. Буржуазия миллатчилари томонидан гиж-гижланган жаҳолатлар март кунларидан бирида Ҳамзани тошбўрон қилиб ўлдирдилар. Ҳамза одамларга ҳақиқатни тушунтирганлиги учун уни ўлдиришди. Ҳамза қишлоқда мактаб очди, артель тузди, эски урф-одат, хурофот ва сарқитларнинг беъманилигини фош қилиб ташлади. У 8 март куни қишлоқ хотин-қизларининг биринчи йиғилишини ўтказиб, шу йиғилишда нутқ сўзлади, шундан кейин хотин-қизлардан 23 киши паранжи ташлади. Ўша вақтда Шоҳимардонда яшириниб, дин ниқоби остида иш кўраётган реакцион руҳонийлар ва буржуа малайларига қарши курашди.

... Ҳамзаободда шоир номини муқаддас деб билишади. Бу ерлик кишилар пахтадан мўл ҳосил олмоқдалар. Оталар ишини — янги коммунистик жамият қуришдан иборат ишни давом эттирадиган янги авлодни, фарзандларни тарбия қилмоқдалар. Ҳамза келажак тўғрисида орзу қилиб, сўнг яшармиз янги замон ичра, деб тараннум этган эди.

... Маҳаллий мактаб ҳаваскорлик театри саҳнасида Ҳамзанинг «Туҳматчилар жазоси» спектаклининг премьераси бормоқда. Бу — ёш ҳаваскор артистларнинг иккинчи иши. Машҳур «Бой ила хизматчи» пьесасини аввал саҳнага қўйишган эди.

О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Ҳикмат дурдоналаридан

Абул Ало ал-МААРРИЙ

Ақл-заковат зийнатлари

▲ Кўп болалар ота-онасининг ҳаққини ўрнига қўймайди. Бола ўзининг дунёга келишига сабабчи бўлганларини унутиб, ота-оналарини яхши тарбият қилиш ўрнига қўлида борини улардан аяйди.

▲ Фарзандни тарбият қилиш учун ота-она ўзларини ҳар хил ўт-чўғларга урган. Охир натижада бола арзимас овқатини ҳам улардан яшириб ўзи ейдиган бўлди.

▲ Бола ота-онасига нисбатан ҳурматсизлик қилди, уларни камситди, ҳатто оёқ кийимининг боғичига ҳам арзитмади. Аммо улар эса болани кечасидаги ой ва юлдузлардан ҳам устунроқ кўришарди.

▲ Болага ота-онаси гўё бир ёмонлик қилгандек уларга жаҳл-ғазаб билан муомала қилади.

▲ Отаси ёки онасига бетоблик бўлса ёки бирор ташвиш тушиб қолса, бола беғам ухлайверади. Аммо унинг бирор ери оғриганда ота-она ухлаш бир ёқда турсин, кўзларини ҳам юмган эмасди.

▲ Бола ота-онасидан манфаатланиш учун, мен сизни яхши кўраман, деб алдайди. Ёлғон айтаяпсан деб гапини рад қилишмайди. Яна унга меҳр-шафқат қилишаверади.

▲ Ота-она боладан ҳеч фойда кўрмаса ҳам, унга узоқ умр тилашади. Орқамизда қолсин деб ҳаққига дуолар қилишади.

▲ Ҳаёт ўтиб кетадиган нарса. Шу ҳаётда сен ота-онангни ҳурматлаб қол! Хусусан она ҳаммадан кўпроқ ҳурмат ва таҳсинга лойиқдир.

▲ Она болани бир неча ой қорнида кўтариши ва узоқ вақт унга оқ сутини эмизиши туфайли ҳар бир инсоннинг ҳурматига сазовордир.

▲ Сен ҳамма вақт отангнинг оғирини енгил қил. Унинг ёши улғайди, куч-қувватидан кетди. Энди сен унинг юкини кўтар, хизматини қил!

▲ Сен истасанг-истамасанг тақдир амри билан отанг сенинг вужудга келишингга сабабчи бўлди. Шу билан бирга, у топгантутганини ўзи емай-ичмай сенга илинди.

▲ Улуғ даража, илм-маърифат талабида кўзига уйқуни ҳаром қилган кишигагина ўша мақсадга эришиш йўллари очилади.

▲ Сен айш-ишрат, ўйин-кулгига мағрур бўлиб улуғ мартаба, илм ва маърифатни талаб қилишдан четда қолма!

▲ Киши дунёдан ўтиши билан номи ўчади ва кишилар хотиридан ҳам унутилади. Аммо халққа яхшилик қилган, яхши хотиралар қолдирган кишилар ўлса ҳам мутлақо ўлмаган ҳисобланади.

▲ Инсонлардаги ёмон одатлардан бири —яқинида вафот этган кишилар учун йиғлаб мотам тутиш, илгари ўтганларини унутиб, хотирдан чиқариб юборишларидир.

▲ Сен кўп вақтларингни бекорга ўтказиб юрсанг бунинг учун ҳеч қайғурмайсан-у, аммо арзимас бир нарсанг қўлингдан кетса кўп пушаймон ейсан!

▲ Баъзи бегона, турар жойи сиздан узоқ бўлган кишилар қўни-қўшнингиз, амаки ва тоғаларингиздан кўра сизга меҳрибонроқ бўлиб чиқади.

▲ Кетидан турли фалокатларнинг келишига сабабчи бўладиган айш-ишратда яшашдан кўра, озига қаноат қилиб беташвиш умр кечириш роҳатлироқ, яхшироқдир.

▲ Ўйлашимча инсон ахлоқда, юриш-туришида отасидан кўра даврига кўпроқ ўхшаб кетади.

▲ Эй, мағрур инсон, сен ақл билан бошқалардан ажралган экансан, ҳамма ишларингда ўша ақл билан маслаҳатлаш! Ақл кишиларни яхши йўлга ундовчи ва ёмонликдан қайтарувчи пайғамбардир.

Ш. ШОИСЛОМОВ тайёрлаган.

«Тошгипрогор» лойиҳалаш институтининг аҳил коллективи шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшаётган кўплаб турар жой ва маъмурий бинолар лойиҳаларини яратиб бермоқда.

СУРАТДА: (чапдан) 9-устахона архитектори Рустам Шокиров, инженер Маргарита Туниева, архитектор Саидакром Азизов ва группа раҳбари Виктор Бреусенко иш чизмаларини муҳокама қилмоқдалар.

Н. Шокиногомов фотоси.

● ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЗОҒЧА ТУТУННИ ЁҚТИРМАЙДИ

Белоруссиянинг Малоавтюковки қишлоғида истиқомат қилувчи деҳқон Петр Сич Патент даъво қилмасада, кашандаларга чекишни ташлашнинг энг яхши воситаси уйда зоғча боқишдир», деб таклиф қилади.

Унинг уйига келтирилган зоғча тамаки тутунини ёқтирмаган ва шу тутунни келтириб чиқарувчи нарса оппоқ қаламчалар эканлигини тезда пайқаган. Эгаси сигаретани қаёққа яширмасин, қуш уларни топиб олиб, тумшуғида биттадан кўчага чиқариб ташлаган. Зоғча бу ишини ҳеч қўймаганлигидан деҳқон охири тақдирга тан бериб, уйига сигарета келтиришни тўхтатган. Шу тахлитда секин-аста чекишни ташлаган.

П. Сич зоғчани ўрмондан топиб олган. Қуш унинг уйида ўсиб, сўнгра учиб кетган. Лекин зоғча ўзининг халоскорини унутмайди— деҳқоннинг уйига келиб-кетиб туради. Энди унинг уйидаги ҳаво ҳамиша тоза.

Л. ТРАЦЕВСКИЙ,
ТАСС мухбири.
Минск.

● «Фан» нашриёти туҳфаси

«ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР»

Табиатшунос олимларнинг берган маълумотларига қараганда, мамлакатимизда 17—20 минг хил доривор ўсимлик бор. Ҳозирги вақтда шулардан атиги 300 га яқин ўсимликлардан доривор сифатида фойдаланилади. Медицинамизда қўлланилаётган препаратларнинг 40 процента ўсимлик маҳсулотларидан олинади. Табиатшунос олим, химия фанлари кандидати Маннон Набиев «Шифобахш неъматлар» китобчасида ана шулар ҳақида қисқача маълумотлар беради, шифобахш ўсимликлардан олинадиган дори-дармонлар билан даволанишнинг сунъий дори-дармонлар билан даволанишга нисбатан афзалликларини изоҳлайди.

Маннон Набиев ўзининг узоқ изланишлари натижасида республикамиз заминида ўсадиган 20 га яқин ўсимлик меваларининг шифобахш хусусиятлари ҳақида рисолада кўп қизиқарли маълумотлар келтиради. Меваларданг анжир, анор, беҳи, бодом, гилос, дўлана, ёнғоқ, жийда, нок, олхўри ва бошқа хил ноз-неъматларнинг шифобахшлик томонларини айтади, улардан тайёрланадиган турли маҳсулотларни тиббий мақсадларда истеъмол қилиш меъёри бўйича айрим маслаҳатлар ва кўрсатмалар беради.

Рисоланинг яна бир қимматли томони шундаки, унда автор ҳар бир мевада қандай витаминлар сақланишини, унинг қайси дардларга даво бўлишини изоҳлайди, бу ҳақда буюк олимларнинг айтган фикрларини келтиради. Муаллиф ҳар бир меванинг хосиятини изоҳлаш билан бирга, бу меваларнинг қаерларда кўп ўстирилишини, ўлкамизнинг қайси районларида қандай навлари кўп етиштирилишини айтиб ўтади. Рисолага илова қилинган турли меваларнинг расмлари жуда кўргазмали чиққан, булар китобхонга яққол тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Т. РАСУЛЕВ.

ТОҒ ГЎЗАЛИ—АРХАРЛАР

Тожикистон Фанлар академиясининг экспедицияси Помирда жаҳонда энг катта ёввойи қўй-архар тарқалган районларни ўрганиб бўлди. Архарнинг вазни 200 килограммгача боради. У денгиз сатҳидан 5000 метргача баландликдаги овлоқ дараларда яшайди.

Зўркўл, Рангкўл яқинида ва бошқа оёқ етмас жойларда катта-катта архар подалари топилди.

Олимлар архарларнинг тик тоғ ёнбағирларида шиддат билан изғишларининг, қўчқорлар «жанги»нинг гувоҳи бўлдилар. Зоологлар подани қўриқлаш «хизмати»ни пайқашга муваффақ бўлдилар. Маълум фурсатдан сўнг кекса архарлар «постда» бирбирларининг ўрнини эгаллайдилар ва зарурат туғилса хатар ишораталарини берадилар.

Архарларни сақлаш борасидаги чораларни белгилаб чиқиш зоологлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эди. Помирдаги янги қўриқхона территорияси архарлар жуда кенг жойларда эркин ўтлашига имкон беради. Улар бу ердан бошқа районларга ҳам тарқаши мумкин.

Я. НУДЕЛЬ,
ТАСС мухбири.

С. ЯНИ,
юридик фанлари кандидати

ҲАВО ОКЕАНИ ҚАРОҚЧИЛАРИ

«Советская юстиция» журналининг 1978 йил 15-сонида Совет қонунчилиги Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти лабораториясининг бошлиғи, юридик фанлари кандидати С. ЯНИнинг «Ҳаво океани қароқчилари» мақоласи эълон қилинди.

Бугун сиз ана шу мақолани А. ҲАСАНОВ ва Т. ТОШЕВлар таржимасида ўқийсиз.

1955 йил 1 ноябрь. АҚШ, Колорадо штати. Тун. Куз осмонининг зулмат қаъридан қандайдир самолётнинг овози эшитилар, унинг қанотлари остидаги чироқ шуълалари эса чақнаб турган беғубор юлдузлараро уйқудаги ер узра сузиб борарди. Бу одатдаги тунги «Денвер — Портленд» рейси эди. Тўсатдан юлдузлар учгандай бўлиб, момақалдироқ овозига ўхшаш кучли портлаш содир бўлди. Осмон бағрини бир зумда тўқ сарғиш ранг қоплади. «ДС—6В» пассажир самолёти ўз ортида ёнаётган бензин изини қолдириб, ҳавода парчалана бошлади. Самолёт бортидаги жами 44 киши ҳалок бўлди.

Тергов маълумотларига қараганда, ҳалокатнинг содир бўлишига самолётнинг багаж бўлимидаги портлаш сабаб бўлган. Тезда бу фожианинг асл айбдори ҳам топилди. У 23 ёшли Джек Грэхэм бўлиб чиқди. У онасининг ҳалокатидан сўнг 37500 доллар ҳажмидаги страхование мукофотини олиш мақсадида поотловчи қурилмани онасининг буюмлари (юки) орасига яшириб қўйганди. Урушдан кейинги йилларда самолётга ҳужум мана шундай тарзда бошланди. Ўша йиллари журналистлар эълонларда Америка криминалистикасини энг оммавий одам ўлдириш деб аташарди.

Шунга ўхшаш жиноятлар 70 йилларнинг бошида, айниқса АҚШда авжига чиқди. Масалан, 1972 йилнинг март ойида „TWA" авиация компаниясига кимдир қўнғироқ қилиб, агар унга 2 миллион доллар тўламаса, 18 соат мобайнида авиакомпаниянинг тўртта самолётининг кулини кўкка совуриб юборишини айтди. Чиндан ҳам махсус ўргатилган ит ўшанда самолётлардан бириданэнди портлай-портлай деб турган минани топди. Ўн саккиз соатдан сўнг эса Лос-Вегас аэродромида компаниянинг бошқа бир самолёти портлаб кетди. Ҳолбуки, уни бир неча бор тинтув қилишган эди. Бахтга кўра, унинг ичида на пассажир ва на экипаж бўлган. Талаб қилган пулни ололмаган нотаниш киши бошқа пом-мим демаган. Бироқ радио ва газета эълонлари орқали мудҳиш воқеадан хабардор бўлган аҳоли ўртасида бу усул ўрмон ёнғини каби тез тарқала бошлади. Ўша куни етти нафар ёвуз ниятли нотаниш киши Американинг турли авиакомпаниялариданюқоридаги дўқ ва пўписа орқали пул ундирмоқчи бўлди. Эртасига 24 киши, учинчи куни эса 54 киши шундай «талаб билан чиқди». Заҳарли жиноят уруғи чиндан ҳосилдор ерга тушди. Америкалик калтафаҳмларнинг бошларини қотирувчи оммавий ахборотнинг таъкидлашича, ҳаётда юқори баҳоланадиган нарса «тезкор доллар» топа билиш эмиш.

Юқорида баён этилган барча воқеалар, жиноятчиларнинг самолётларга қилган ҳужумлари фақат шахсий бойлик орттириш йўлида қилинган бўлиб, уларнинг ўзлари айни пайтда нисбатан хавфсиз жойда бўлганлар.

Яна бошқача ҳам бўлади. Америкалик ёзувчи А. Хейлининг «Аэропорт» романини олайлик. Автор воқеаларни ҳаётдан олиб, зўр маҳорат билан тасвирлайди. Хонавайрон бўлган майда корхона эгаси бир бурда нонга зор бўлган оиласини боқиш учун ўз ҳаётини страхование қилдиради. Бинобарин у шундан сўнг Атлантика устида ўзи учаётган кўп ўринли самолётни портлатиб юбормоқчи бўлади.

Жиноятчиларнинг самолётларга ҳужум қилишларидан фақат шахсий моддий фойда олиш сезилмайди. Ваҳоланки, империалистик давлатларнинг реакцион доиралари ўзларининг қабиҳ сиёсий мақсадларига эришиш учун атайлаб самолётларни олиб қочиш ёҳуд портлатишни уюштирадилар. Бу билан улар давлатлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга тиришадилар. Жумладан, 1976 йилнинг октябрь ойида Барбадос оролидан кўтарилган Кубанинг реактив лайнери портлаш натижасида денгизга қулаб тушди. Ушбу иш юзасидан қамоққа олинган оддий венесуэлаликлар Эрнанс Лосано ва Фредди Луго (Куба ва Колумбияда туғилганлар) тергов ҳаракати кўрсатмаларига биноан АҚШнинг Марказий Разведка бошқармасининг жосуслари эканлиги аниқланди. Террорчилардан бирида МРБ (ЦРУ) томонидан берилган ҳужжат топилган. Шунингдек, самолётнинг Марказий отсекида, бошқариш кабеллари яқинида зарядни портлатувчи инструкция ҳам топилган. Террористик акт «Ленглилик баҳайбат маҳлуқ» (америкаликлар МРБни шундай деб аташади.) томонидан қуйидагича ўйлаб топилган ва амалга оширилган эди:

Ҳар икки жосус қалбаки ҳужжатлар билан «Кубана де авиасоъон» компаниясига қарашли «Каракас — Гавана» рейси бўйлаб учадиган самолётга ўтиришган. Улар ўз билетлари Гаванагача бўлишига қарамасдан, самолёт оралиқдаги Барбадос оролида қўнган пайтда тушиб қолишган. Йўловчиларнинг қўлида буюмлари кўринмасди. «ДС—8» аэродромнинг бетон йўлаги бўйлаб кумуш соядек пилдираганча ҳавога кўтарилди. Бирдан двигателларидан қуюқ тутун чиқиб, бир зумда кузнинг тиниқ осмонида симобдай эриб кетди. Ҳалокат бошланишидан бир неча минут ўтгандан сўнг аэродромнинг диспетчерлик-назорат пункти самолётдан радиограмма олди: «Самолёт бортида портлаш рўй берди. Ёнғин пайдо бўлди. Баландликни йўқотяпмиз». Бу радиограмма энг сўнггиси эди. Самолёт олти минг метр баландликдан қулаб, 73 кишини океан гирдобига олиб кетди. Бу рейс билан Кубанинг қиличбозлик бўйича ёшлар терма командаси — ўз республикаси учун Марказий Америка чемпионатида 11 та олтин медални қўлга киритган кубалик бўйчан, хушчақчақ йигитлар қайтишаётган эди... Ушбу ёвузлик акцияси орқали МРБ Куба билан Венесуэла ўртасидаги муносабатнинг бузилишини, икки мамлакат орасида ишончсизлик ва низо, адоват туғдиришни кўзлаган эди. Аммо уларнинг уринишлари — «ҳисоб-китоблари» ўзини оқламади. Чунончи, Венесуэла президенти Карлос Андрес Перес Куба революцион ҳукумати бош министри Фидель Кастро номига телеграмма жўнатиб: «Биз венесуэлаликлар катта изтироб ва қайғу билан бўлган воқеани эшитдик... У бизни террор йўли билан қўрқитишга уринаётганларни жиноий жавобгарликка тортишга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди».

Турли хил тоифадаги экстремистик ва анархо-террористик уюшмалар ҳаво қароқчиларини қуроллантириш учун ҳар қандай шафқатсиз ва мазмунсиз актларни тузишга доимо шай турадилар. Шунга ўхшаш ҳаракатлар объектив нуқтаи назардан ўта ўнг доиралар фойдасига хизмат қиладиган бўҳтондан иборат бўлиб, прогрессив ва демократик кучларга қарши заҳарловчи, қутурган уюшмаларни кўпайтирувчи воситадир.

Иқтисодий интеграция, халқаро савдо, туризм зудлик билан ривожланаётган ҳозирги бир шароитда, хабар воситаларининг ўсиш тезлиги беқиёс даражада такомиллашаётган бир пайтда бизнинг ер шаримиз «борган сари торайиб бормоқда», жиноятнинг кўпгина хавфли турлари бир давлат доирасига сиғмай, чегарадан ташқарига чиқаётгандай бўлиб қолди. Бунга мисол тариқасида кайф қилувчи (наркотик) моддаларни яширинча сотиш, қалбаки пул ва йўл чекларини тайёрлаш, санъат асарларини ўғирлаш ва ниҳоят албатта ҳаво қароқчилигини ҳам кўрсатиш мумкин.

Кейинги ўн йил ичида самолётларни олиб қочиш кенг тарқалган жиноятлардан бири бўлиб қолди. 60 йилларнинг охири, 70 йилларнинг бошида ҳаво қароқчилиги «шов-шуви»га капиталистик давлатларнинг на криминалистлари ва на полиция хизматчилари тайёр эдилар. Агар 1930—1961 йиллар оралиғида 42 марта муваффақиятли ва муваффақиятсиз самолёт олиб қочиш воқеаси содир бўлган бўлса, 1962—1972 йиллар мобайнида самолётлар ҳаётига 82 маротаба «суиқасд» қилинган.

Ўтмишнинг ҳали узоқ бўлмаган кунларида ҳаво кемаларини қўлга олиб ва олиб қочиш бўйича рўйхатдан ўтказилган воқеаларнинг энг салмоқли қисми АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Шундай қилиб, улар граждан авиацияси фаолиятига қонунсиз аралашиш борасида умумжаҳон миқёсидаги актларни амалий жиҳатдан аниқлаб берадилар.

[Давоми 4-бетда].

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. НЕЪМАТОВА: Шаҳримизда киноҳаваскорлар курси бор деб эшитдим. Илтимос, шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.

Жавоб: Республика «Билимлар уйи»да ана шундай курслар очилган. Бу курсларга қабул қилинган ҳаваскорлик фильмларни яратиш билан боғлиқ бўлган барча суратга олиш техникаси ва ундан кейин амалга ошириладиган ишлар усулини эгаллайдилар. Бинобарин, Сиз шу курсга кирмоқчи экансиз, аризадан ташқари ўзингиз меҳнат қилаётган корхона ёки ташкилотнинг касаба союз ташкилотидан йўлланма олиб келишингиз керак.

∴ ∴ ∴

Ш. МАЛИКОВА: Яқинда «Мальва» маркали тикув машинаси сотиб олган эдик. У бузилиб қолди. Шундай машиналарни қаерда ремонт қилдириш мумкин?

Жавоб: Шаҳримизнинг Весна кўчасидаги 223-уйда жойлашган «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси усталари Сиз харид қилган «Мальва» маркали тикув машиналарини ҳам ремонт қилишни яқинда ўзлаштиришди. Сиз 91-05-32 рақамли телефон орқали ушбу бирлашмага буюртма беришингиз керак. Белгиланган вақтда шу бирлашма усталари уйга келишади. Механик ўша жойнинг ўзида тикув машинасидаги мавжуд нуқсонларни аниқлайди. Агарда машинани устахонага олиб бориб тузатиш лозим бўлса улар ўзлари билан олиб кетишади. Уйнинг ўзида тузатишнинг иложи бўлса ремонт ишлари ўша жойнинг ўзидаёқ бажариб берилади.

∴ ∴ ∴

С. ХОЛИҚОВ: Курашнинг дзю-до турига қизиқаман. Шаҳримизда спортнинг ана шу турини ўргатадиган секция борми?

Жавоб: «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида спортнинг дзю-до турини ҳам эгаллаш мумкин. У Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган. Секцияга 8 ва ундан зиёд ёшдагилар қабул қилинади. У ерга метрода бориш жуда ҳам қулай.

∴ ∴ ∴

Р. МУҲАМЕДОВ: Трамвай ҳайдашни ўрганиш орзусида эдим. Шаҳримизда шу касбни ўргатадиган жой борми?

Жавоб: Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Ф. Черников номидаги 1-трамвай депосида трамвай ҳайдовчилиги касбини ўрганишингиз мумкин. Бундай курсларга қабул қилинганлар олти ой мобайнида ҳар ойига 60 сўм ҳажмида стипендия билан ҳам таъминланадилар. Улар учун ҳамма шароитлар яратилган. Трамвай-троллейбус бошқармаси клубида кутубхона, спорт секцияси, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. Бу хусусдаги барча масалалар бўйича Тошкент шаҳар, Гайдар проезди 50-уйга мурожаат қилинг. Телефони 91-18-00.

∴ ∴ ∴

Ж. АБДУЛЛАЕВА: Уйимиздаги креслолар, диванларга ғилофлар тайёрлатмоқчи эдик. Аҳолининг шундай буюртмалари қаерда бажарилади.?

Жавоб: Тошкент «Сервис» фирмасининг тикувчилик-пардалаш цехларида креслолар, диванлар, стуллар, пианинолар, автомашиналар учун ғилофлар тайёрлаб бериш бўйича аҳолидан буюртмалар қабул қилинади. Бу ерда фирманинг материалидан, шунингдек буюртмачининг материалидан шторлар, пардалар, чойшаблар, жилдлар тайёрланади. 44-25-31 телефони орқали қўшимча маълумотларни олишингиз мумкин.

ҲАВО ОКЕАНИ ҚАРОҚЧИЛАРИ

(Давоми. Боши 3-бетда)

Самолётларни олиб қочишнинг аниқ ҳисобини келтириш қийин. Негаки, кўпгина давлатлар бу тўғридаги маълумотларни граждан авиациясининг халқаро (ИКАО) ташкилотига беришмайди. Ҳар ҳолда самолёт олиб қочиш миқдори 1968—1972 йилларда рекорд чўққига кўтарилди. Бу фикрни рақамлар тасдиқлайди: 1969 йилда дунё бўйича 2 марта самолёт олиб қочиш, 1967 йилда — 6, 1968 йилда — 27, 1969 йилда — 91, 1970 йилда — 88, 1971 йилда — 65, 1972 йилда — 75 марта самолётлар «жонига қасд этилган». Жаҳон миқёсида кўрилган чора-тадбирлар туфайли кейинги йилларда бундай жиноят сони сезиларли даражада қисқарган бўлса ҳам (1976 йилда 25 марта олиб қочиш қайд этилган, 1977 йилда 35, 1978 йилнинг 8 майигача бўлган маълумотга кўра эса 9 марта) бу жамоатчилик учун нақадар ҳавфли бўлиб қоляпти.

Креминалистик нуқтаи назардан қуйидаги факт қизиқарлидир. Агар илгари ҳаво қароқчилиги актларни жиноятчилар тез-тез якка тартибда амалга оширсалар, эндиликда бу жиноятлар кўп ҳолларда группали тус олмоқда.

Ҳавотир олишга чақирувчи ғояга бу жиноятни яна ҳам кенгаяётган «географияси»ни қўшиш тўғри келади. Зотан, 1969 йилда самолётларни қўлга олишда 19 мамлакат «иштирок» этган бўлса, 1977 йилда бу рақам 49 тага етди.

Бу ҳаракатнинг моҳияти шундаки, жиноятчи зўрлаш ёки қўрқитиш йўли билан ҳаво кемасини қўлга олиб, уни устидан назорат ўрнатади. «Қоидага кўра», жиноятчи самолёт экипажидан рейсни ўзгартириб, белгиланган аэропортга эмас, балки қандайдир бошқа аэропортга қўнишни талаб қилади.

Бироқ замонавий ҳаво лайнери юқори қўниш тезлигига ва жуда катта учиш оғирлигига ҳамда бир неча ўн тонналик вазнга эга бўлган реактив машинадир. Шунинг учун ҳам уни кўп аэропортлар қабул қила олмайди. Уларни фақат махсус тегишли қоплама ва етарли узунликка эга бўлган, учиш ва қўниш учун махсус йўли бўлган аэропортларгина қабул қила олади. Бундан ташқари йирик аэропортларда шу қадар учиш ва қўниш кўпки, тўсатдан аэропортнинг ҳаво зонасига кириб қолган «чақирилмаган меҳмон» ҳаво кемаларининг даҳшатли тўқнашуви учун аниқ хавф туғдириши мумкин.

Уйдирма ва наштарли сафсата ишқибозлари—америкалик журналистлар ёддан чиқаётган «хайджекинг» учирма сўзи билан самолёт босқинчилиги актларига чек қўйиб, «қуруқ қонун» вақтида, яъни 20 йилларда қуролли талон-торож қилувчи босқинчиларни спиртли ичимликлар ташийдиган контрабандистларга ўхшатишарди.

Халқаро ҳаво қароқчилиги воқеасини таҳлил қилиб айтганда, ҳаракатдаги жиноятчиларни уч асосий тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифадагилар —катта пул олиш мақсадида самолётларга босқинчилик қилсалар, иккинчи тоифадагилар — халқаро низо туғдириш учун самолётларни олиб қочадилар ва ниҳоят учинчи тоифадаги қароқчилар экипажни қурол ёки портлатиш йўли билан қўрқитиб, ҳукуматнинг таъқибидан қутилиш учун самолётни эгаллашга уринадилар...

Тез-тез самолётларнинг ғойиб бўлиши зудлик билан самарали чора-тадбир кўришни тақозо этмоқда. Ҳа, фақат шундай қилибгина халқаро ва ички учиш линиялари хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлади. Аниқланишича, мақсадга фақат бир томонлама ёндошиб, ҳуқуқий чоралар кўриш йўли билан эришиш кўпинча қўл келавермас экан. Бундан ташқари, кўпгина давлатларнинг жиноят қонунларида самолётларни олиб қочишга нисбатан қўриладиган жазо нормалари умуман йўқ, кўрсатилган эмас. Айниқса, самолётни олиб қочиш бир неча давлатлар манфаатига таъсир қилса, у ҳолда бу воқеалар юридик нуқтаи назардан жуда мураккаб тус олади.

Бўлаётган халқаро низолар, жуда катта моддий зарар, юзлаб одамларнинг ҳалокати, самолётнинг портлаши билан одамларнинг ўлимига беҳуда маҳкум этилиши, ҳамма-ҳаммаси кўпчилик давлатларни ҳаво қароқчилигини таг-томири билан йўқ қилиш учун жипслашишга мажбур қилди. Бу жиноят турига қарши курашиш вазифасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз зиммасига олди. 1969 йилдан бошлаб граждан авиацияси фаолиятига қонунсиз аралашиш масаласи Бош Ассамблеянинг сессиялари ва хавфсизлик кенгашининг мажлисларида бир неча бор муҳокама қилинди. 1977 йилнинг ноябрь ойида БМТнинг Бош Ассамблеяси «Халқаро гражданлик авиациясининг хавфсизлиги тўғрисида» резолюция қабул қилиб, самолётларни эгаллаб олиш ва граждан авиациясининг учишига бошқача аралашувларни янада қоралади ҳамда давлатларни шунга ўхшаш актларни олдини олиш учун зарур чора-тадбирларни кўришга чақирди.

Ҳаво терроризмига қарши курашишда, халқаро ташкилотлар бирмунча асосий роль ўйнайди. Бу биринчи навбатда БМТнинг ихтисослаштирилган граждан авиацияси муассасасининг халқаро ташкилоти (ИКАО)дир. Бу ташкилот 1952 йилда Чикаго шаҳрида 52 мамлакат иштирокида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ташкил топган бўлиб, ИКАО ваколати интернационал органга айланиб қолди. Ҳозирги вақтда ИКАО ўз ичига 144 давлатни олган. СССР 1970 йилдан бошлаб мазкур ташкилот аъзосидир. ИКАОнинг кўп қиррали фаолиятидаги зарур аспектлардан бири—халқаро авиалинияларда учиш хавфсизлигига кўмаклашишдир. Ана шу масалалар бўйича ИКАО тавсиялар қабул қилади. Ҳар бир давлат бу тавсияларга риоя қилиб, ҳаракат қилиши ва қилмаслигини ўзи аниқлаб олади. ИКАО—катта техникавий ва маъмурий тажрибага эга бўлган халқаро ҳукумат муассасасидир. Совет Иттифоқи ИКАО фаолиятида тобора муҳим роль ўйнамоқда. Шуни айтиш керакки, СССРнинг конструктив иштироки билан кейинги йилларда икки марта муҳим халқаро конференция бўлиб ўтди. Бу ИКАО томонидан тайёрланган Гаага (1970 йил) ва Монреаль (1971 йил) конференцияларидир.

Гаага конференциясида қабул қилинган Конвенцияга мувофиқ учаётган ҳаво кемаси бортида бўлиб, уни қўлга олишга ва назорат ўрнатишга уринган ҳар бир шахс (ёки унинг иштирокчиси) жиноят содир қилган деб ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан, Конвенциянинг 8-моддаси характерлидир. Чунки Конвенция қатнашчилари—давлатлар ўртасида жиноятчини қайтариб бериш тўғрисида махсус келишув бўлмаган тақдирда ҳам бунга Конвенциянинг ўзи юридик асос бўла олади. Агар қандайдир бир сабаб билан бирор давлат ерида жиноятчи жойлашган бўлса ва уни манфаатдор давлатга қайтариб бермаса, у жиноий таъқиб қилиниши учун ўзига тегишли компетент органларга топширишга мажбур. Бу органлар ҳар қандай жиддий характерга эга бўлган жиноий ҳаракат содир этилса, ушбу давлатнинг қонунига мувофиқ шунга ўхшаш қарор қабул қиладилар. Конференция қатнашчилари бундай жиноятларга қарши қаттиқ жазо қўллашга мажбурдирлар.

Ҳозирги кунда бир қанча давлатлар ўзларининг миллий жиноий қонунлари нормаларига эга бўлиб, улар бевосита ҳаво қароқчилигига қарши самарали курашишга қаратилган. Бунга Франция, АҚШ, Япония, Кения, Венесуэлла, Аргентина, Эрон ва бошқа мамлакатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай жиноятларни жамоатчилик учун ниҳоятда хавфли эканлиги сабабли, бу қонунларнинг жазо санкциялари ҳам жуда оғир. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларда Ғарбдагига ўхшаш жиноятлар кам учраб турса-да, лекин ҳаво транспорти ишига халақит берадиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатни кесиб ташлаш мақсадида, шунингдек бундай хатти-ҳаракатларга қонунда жиддий жазо чоралари белгиланган.

Монреаль Конвенцияси Гааганикига нисбатан кенгроқ миқёсда амал қилиш имкониятига эга бўлди. Негаки, у фақат самолётларни қонунсиз қўлга олувчиларга қарши курашгагина бағишланмасдан, балки унинг номидан билинишича, у «граждан авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган қонунсиз актларга қарши курашга» ҳам қаратилгандир. Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳаракатлар рўйхати аниқ ва мукаммал кўрсатилган.

Ишлаб чиқилган ва ҳеч қандай ҳодисасиз тез муддатда ратификация қилинган бу конвенциялар аввал қабул қилинган Токио (1963 йил) Конвенцияси билан бирга граждан авиацияси фаолиятига ҳар қандай қонунсиз аралашувларни келиб чиқишига қарши курашишда муҳим универсал ҳуқуқ манбаи ҳисобланади ва жиноятчиларни қаерда, қачон, қай ҳолда содир этган ҳаракатларидан қатъий назар жазолаш муқаррарлигини таъминлайди.

Гаага ва Монреаль конференцияларини чақиришда ташаббускор ИКАОдан ташқари самолётларни олиб қочишга қарши курашда актив иштирок этаётган бошқа ташкилотлар ҳам бор.

Булардан бири авиация транспорти Халқаро Ассоциацияси (ИАТА)дир. Бу коммерция ташкилоти дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги 100 дан ортиқ авиакомпанияларни ўзига бирлаштирган. У асосан тариф, жарима, жадвал тузишга алоқадор ва бошқа масалаларни ҳал қилади. Шунингдек, бир йўла текширувларни координациялашда ва аэропортларнинг хавфсизлигини таъминлашдаги маълумотлар алмашуви ҳамда улардаги ҳар хил низоларни олдини олишда актив қатнашади. Ассоциация ҳаво транспортида жиноят содир этажак қароқчиларни таъқиб қилиш ва уларга қаттиқ жазо чоралари кўрилишини «пропаганда» қилиш бўйича катта ишларни олиб боряпти.

Бу борада жаҳоннинг 86 мамлакатидан 56 минг аъзоси бўлган йўловчи учувчилар Ассоциациясининг Халқаро Федерацияси ҳам қизғин иш олиб боряпти. Самолётларнинг экипажлари ҳаво қароқчилари билан тўқнашиб бошқаларга нисбатан ўз ҳаётларини кўпроқ хавф остида қолдирадилар. Улар жиноятчиларга, олиб қочилган машина, пассажирлар ҳамда юкларни ушлаб туриш, бошпана берган давлатларга нисбатан қатъий чоралар кўрилишини талаб қилмоқдалар. Кўрилаётган чоралардан бири— ана шунга ўхшаш давлатларга рейслар амалга ошираётган самолётларга бойкот эълон қилишдир.

1970 йилдан бошлаб жиноий позициянинг Халқаро ташкилоти (Интерпол) жиноятларнинг олдини олиш ва ҳаво қароқчиларига қарши курашда ИКАО ва ИАТО билан мустаҳкам алоқада бўляпти.

Кейинги йилларда ҳаво транспортидаги терроризмга қарши кураш ишида жиноятнинг олдини олишга тобора эътибор кучайтирилмоқда. Профилактик тадбирлар тарзида ИКАОнинг таклифига мувофиқ ер юзидаги кўпчилик давлатларнинг катта аэропортларида хавфсизликни таъминлаш системалари ишлаб турибди. Ушбу системалар аэродромларни (хизмат хоналари, ангарлар, омборлар, учиш-қўниш йўллари ва бошқалар) қаттиқ қўриқлашни кўзда тутади. Улар қурол ҳамда портловчи моддаларни топиш мақсадида пассажирларни тинтув қиладилар, багажларни синчиклаб текширадилар. Бундай ҳолларда махсус асбоблар ёрдамида назорат қилиш мақсадга моликдир. Буюк (импульс тартиби билан, кино-фотоплёнкани ёритиб юбормаслик учун ишлатиладиган) рентген қурилмалари нури билан ёритилади (текширилади). Шунингдек, портловчи моддаларнинг буғларини аниқлаш учун сезувчи газ анализаторлари қўлланилади.

Бундай эҳтиёт чораларни қўллаш самолётларни олиб қочишнинг бирмунча олдини олиш имконини беради. Дарвоқе, матбуот хабарларига қараганда, эҳтиёт чора-тадбирлари жорий этилгандан сўнг, яъни 1973—1974 йилларда АҚШнинг 531 та аэропортида текшириш пайтида 6657 киши қамоққа олиниб, 4612 та ўқ отадиган ва 44778 та совуқ қурол топилган. Пировардида буларнинг ҳаммаси ҳаво кемаларини олиб қочиш миқдорини камайтириш имконини берган. Масалан, АҚШда 1969 йили 90 маротаба самолётларни олиб қочишга уринилган бўлинса, шундан тахминан 85 проценти муваффақиятли тугаган. 1972 йилда ҳаво кемаларини олиб қочишга бўлган ҳаракат 60 тагача пасайиб кетган, шундан атиги 22 таси, яъни 37 проценти муваффақиятли чиққан.

Бир қатор Европа мамлакатларининг пассажирларни пухта текшириш тажрибаси ниҳоятда ва самарали эканлигидан далолат бериб турибди. Жумладан, хаво қароқчилигига қарши курашиш мақсадида 1976 йилда Франция аэропортларида электрон назоратдан 11 миллион йўловчи ўтди ва уларнинг буюмлари (юклари) текширилди. Текшириш пайтида 15 минг турли хил «хавфли потенциал» бўлган нарсалар топилди, шундан минг дона ўқ отадиган қурол мусодара қилинган. Аммо учиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича «ер усти» тадбирлари фақат булар билан чегараланмайди. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатларнинг самолётларни бортларида полиция кийимини штатникига ўзгартирган, карате каби кураш усулларини пухта эгаллаган ва кўз ёши чиқарувчи газ запаси билан таъминланган қуролли хизматчилар учмоқдалар. Учувчи кабинаси пассажир салонидан бронали ойна билан тўсилган бўлиб, унга телеэкран ўрнатилган. Ҳаво командири эса ана шу электрон қурилма ёрдамида салонда нима бўлаётганини кузатиб боради. Шунингдек, полиция ходимлари билан кема экипажи ўртасида ўзаро алоқа системаси ҳам ишлаб чиқилган. Аммо бу дегани, ҳаво қароқчилигига қарши курашда кўрилаётган радикаль чоралар, техникавий воситалар хавфсизликни етарли таъминлайди деган сўз эмас. Энг муҳими, бу масалага ҳар томонлама халқаро-ҳуқуқий ёндошиш зарур. Агар қўлланган ҳар қандай мотивдан қатъий назар, жиноятчиларни қаттиқ жазолашни ва унинг муқаррарлигини таъминласаларгина ҳаво қароқчилиги муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

БУХОРОНИНГ «ОЛИМПИА» ОБЪЕКТЛАРИ

Бухоро 80 йилги олимпиада қатнашчилари билан меҳмонларини қабул қилишга ҳозирлик кўрмоқда. Улар учун бу ерда 350 кишилик меҳмонхона барпо этилди. Унинг беш қаватли биноси 1980 йилда вужудга келадиган катта меҳмонхона комплексининг биринчи навбатидир.

Лойиҳачиларнинг режасига кўра, ресторан, кафеси, чойхонаси, дам олиш бурчаклари, кино зали бўлган блок меҳмонхонага туташиб кетади. Бу ерда спорт иншоотлари ҳам кўзда тутилган. Сузиш бассейни ҳозирдаёқ тайёр, югуриш йўлкалари, баскетбол ва волейбол майдончалари бўлган спорт шаҳарчаси қурилмоқда. Бухородаги меҳмонхона комплекси — олимпиа объекти. Ахир XXII олимпиа ўйинларининг қатнашчилари ва меҳмонларига маданий хизмат кўрсатиш программасида Совет Иттифоқининг қўҳна тарихий шаҳарлари бўйлаб туристик сафарлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Шаҳарнинг хушманзара жойларидан бири— Комсомол кўли районида жойлашган туристик база ҳам олимпиа қатнашчиларини кутиб олишга ҳозирланмоқда. Бу ерда коттежлар, спорт майдончалари ремонт қилинмоқда.

Меҳмонлар аркни, Токи саррофинни, Улуғбек мадрасасини, Лаби ҳовуз ансамблини ва қадимий маданиятнинг бошқа дурдоналарини кўрадилар. Булар олимпиа ўйинлари бошлангунга қадар реставрация қилиб бўлинади.

А. ФОЗИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

20, 28 январь соат 19.30 да

«ҚИЁМАТ ҚАРЗ»

(2 пардали драматик қисса)

РОЛЛАРДА:

БОШ РОЛДА — СССР ХАЛҚ АРТИСТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ШУКУР БУРХОНОВ

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: И. БОЛТАЕВА, Э. МАЛИКБОЕВА, Ҳ. НАРИМОНОВ, Т. СУЛТОНОВА;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати С. НОРБОЕВА;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Т. ХОНТЎРАЕВ, Т. ЮСУПОВА, М. ОРИПОВ, Г. ЖАМИЛОВА, Ҳ. ЮНУСОВ, Р. ЕҚУБОВ, Л. БАДАЛОВА, Р. ҲАКИМОВ;

Артистлар: Ҳ. НУРМАТОВ, Д. ИСМОИЛОВА, Ш. САПАЕВА, Р. АВАЗОВ, М. ОРИПОВА, М. ДЎСТМАТОВ, Э. КОМИЛОВ, Қ. АБДУРАҲИМОВ, Н. ОЛИМОВ, Р. АҲМЕДОВА, П. НОСИРОВ, Д. ИКРОМОВА, Қ. САЪДУЛЛАЕВ, Г. ИБРОҲИМБЕКОВА, Г. ҲАКИМОВА.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Касса соат 10.00 дан очиқ.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА РЕМОНТ-ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ БОСМАХОНАСИ

машиналар, ускуналар, товарлар ва бошқа оммавий ишлаб чиқариш буюмлари учун мўлжалланган трафарет фирмали табличкаларни пўлатдан чекланмаган миқдорда тайёрлаб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

БУЮРТМА БОСМАХОНА МАТЕРИАЛИДАН ТАЙЁРЛАНАДИ. ХИЗМАТ ҲАҚИ ПРЕЙСКУРАНТ БЎЙИЧА ОЛИНАДИ.

Бошқа шаҳарлардаги корхоналардан кўп миқдорда қабул қилинган буюртмалар темир йўл орқали юборилади.

Справкалар олиш ва буюртмалар бериш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, ишлаб чиқариш бўлими. Телефон 32-53-68.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ

ЎҚУВ ПУНКТИ

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар вентиляция системалари монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системаларига деталлар тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячилар тайёрлаб чиқаради.

КУРСЛАРГА 17 ЯРИМДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН. 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Курсларга қабул қилинганларга ойига 76 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700074, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат Комитети

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-РЕМОНТ ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ

155-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: машинист ёрдамчилари, тепловознинг механик қисмини ремонт қилувчи слесарлар, тепловознинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар, саноат ускуналарни ремонт қилувчи слесарлар ва электр-газ пайвандчилар, холодильник ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, дурадгорлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 проценти билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга мутахассислик ва ўрта маълумот ҳақида ҳужжат берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаганлар, темир йўл хизматчиларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, яъни Иттифоқимизнинг барча пунктларига бепул темир йўл билети билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, мактабдан характеристика, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 та фотосурат (3х4 см).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 1-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/1 да **Риголетто,** 17/1 **Спартак,** 18/1 да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/1 да **Кўрмайин босдим тикон**ни, 17/1 да **Қароқчилар,** 18/1да **Тирик мурда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/1 да **Қизил дуррали нозик ниҳолим,** 18/1 да **Шаҳзода ва етим қиз.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/1 да **Тинмасин соз,** 17/1 да **Кичик фожиалар,** 18/1 да **Ишқ қурбонлари.**

КИНО

16 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОЦИАЛИЗМ ДУНЕСИ» — **Восток.**

«УЗОҚ ВА ЯҚИН ОСМОН» — **Қозоғистон.**

«БИР ТОМЧИ НИКОТИН» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.**

«ҚИШКИ СТАРТЛАР, ДОВЮРАКЛАР СПОРТИ» — **Навоий номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Навоий номли, Лисунов номли, Ҳамза номли, Кўкча, Тинчлик.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Навоий номли, Ҳамза номли Ғ. Ғулом номли, С. Раҳимов номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Тошкент Советининг 50 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Чайка, Кўкча, Москва, Мир, Искра, Янгиобод, Нукус, Фестиваль.**

17 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИШКИ СТАРТЛАР, ДОВЮРАКЛАР СПОРТИ» — **Навоий номли.**

«УЗОҚ ВА ЯҚИН ОСМОН» — **Қозоғистон.**

«БИР ТОМЧИ НИКОТИН» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС» **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.**

«АФСУС-НАДОМАТ» — **Ҳамза номли.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Навоий номли, Ҳамза номли, Ғ. Ғулом номли, С. Раҳимов номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Тошкент Советининг 50 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Чайка, Кўкча, Москва, Мир, Искра, Янгиобод, Нукус, Фестиваль.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

17 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

«ТЎРТ КУЁВ» ЭСТРАДА-ЦИРК ЛУЛИЛАР РЕВЮСИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбар ва лўлилар қўшиқлари ва романсларининг ижрочиси Михаил ШИШКОВ.

Балетмейстер — СССР халқ артисти Галия ИЗМАЙЛОВА,

Композитор — РСФСР халқ артисти Ян ФРАНКЕЛЬ.

Шоир — Игорь ШЕФЕРАН.

Доимо манежда масхарабозлар — Семён МАРГУЛЯН ва Сергей ЯКОВЛЕВ.

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12, 16 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

25—26 январь соат 19.00 да

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«А» КЛАССИНИНГ БИРИНЧИ ГРУППАСИДАГИ

«МЕТАЛЛУРГ» (Челябинск)—
«БИНОКОР» (Тошкент)

КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида сотилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

16 ЯНВАРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.15 «Онамларнинг мактаби». 17.45 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 18.15 «Тюмень ерининг солномаси». 19.00 «Қувноқ ноталар». 19.15 «Дунё вокеалари». 19.30 Ҳиндистон қўшиқлари ва рақслари. 20.00 В. Белов «Дурадгор ҳикоялари». Телевизион спектакль. 21.30 «Вақт». 22.05 СССР халқ артисти Е. Образцова концерти. 23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қиш ўрмонга келгани ҳақида». Болалар учун мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш куч». Спорт программаси. 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС томонидан маркса-ленинча иқтисодий назариянинг ривожлантирилиши.» 19.20 «Ёшлар овози». Адабий кўрсатув. 19.50 «Мамлакат аҳолисининг таржимаи ҳоли». Эртага — Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати бошланади (рус.). 20.10 «Ваня ўзига қайлиқ танлагани ҳақида». Катталар учун мультфильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Эстрада концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси.

17 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт». 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 В. Белов «Дурадгор ҳикоялари». Телевизион спектакль. 11.35 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси (Испания). 16.10 «Жонажон табиат». 16.35 Қозоғистон телевидениеси ва радиосининг солисти Л. Тулешева куйлайди. 17.00 «Подмосковье — 1978 йил». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.00 «Горничилар, қаердасиз?». 18.30 «Фан оламида». 19.00 «Расмларда куёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Флуэраш» халқ куйлари оркестрининг концерти. 20.10 «Алкоголизм. Врач суҳбатлари». 20.40 «Одамлар дарега ўхшайди». Телевизион бадиий фильм. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан «Мосфильм»да тайёрланган. 21.30 «Вақт». 22.05 П. И. Чайковский. «Шчелкунчик» балетидан сюита. Марказий телевидение ва радиосининг симфоник оркестри ижро этади. Дирижер — Қозоғистон ССР халқ артисти Ф. Мансуров. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — АСК (Ленинград). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Кашф этилмаган ороллар». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 С. Алёшин. «Дипломат». Телевизион спектакль.

17.55 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун. «Ўсмирлар ижоди». 18.30 1979 йил 4 март — СССР Олий Советига сайловлар. «Партия ва халқнинг мустаҳкам бирлиги». 18.45 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.00 «Одамлар заминда ғалла ўстирдилар, замин одамларни камол топтирди». «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари В. А. Духовний билан учрашув (рус.). 19.30 Камер ансамбллари I Тошкент конкурсининг ғолиблари чалади. 20.10 «Эстафета». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Фотима Баратова куйлайди. 21.30 Москва. «Вақт». 22.05 «Ватангадолар». Бадиий фильм 1-серия. «Мосфильм» (рус.). 23.35 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Кристалл» (Саратов). «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж, 3-давр (ёзиб олинган). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

18.55 Кўрсатувлар программаси. 20.10 «Акробатик этюдлар». Цирк программаси. 20.30 «Тошкент телепрограммаси «Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 21.00 Тошкент янгиликлари.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ бет

16 ЯНВАРЬ, 1979 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000: ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-56-85. шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-80-50.

Р—02727. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Е— 1216.